

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.Fil.46.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ДАВЛАТОВА РАЪНО ҲАЙДАРОВНА**

**ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ДЕЙКТИК БИРЛИКЛАРИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**  
**Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation**

<b>Давлатова Раъно Ҳайдаровна</b> Ўзбек тилининг дейктик бирликлари .....	3-32
<b>Давлатова Раъно Ҳайдаровна</b> Дейктические единицы узбекского языка.....	33-62
<b>Davlatova Ra'no Haydarovna</b> Deictic units of uzbek language.....	63-66
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	67-69

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.Fil.46.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ДАВЛАТОВА РАЪНО ҲАЙДАРОВНА**

**ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ДЕЙКТИК БИРЛИКЛАРИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2014.5.Fil176 рақами билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Навоий давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб саҳифасининг [www.tai.uz](http://www.tai.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот таълим портали [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи**

**Лутфуллаева Дурдона Эсоновна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ҳакимов Муҳаммад Хўжахонович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Ҳакимова Муҳайё Каримовна**  
филология фанлари доктори

**Жўраева Бибиш Мухсиновна**  
филология фанлари доктори

**Етакчи ташкилот**

**Андижон давлат университети**

Диссертация ҳимояси ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.Fil.46.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “10” декабрь соат 11<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри Шаҳрисабз тор кўчаси, 5-уй. Тел.: (871)233-36-50, факс: (871) 233-71-44; e-mail: [uztafi@academy.uz](mailto:uztafi@academy.uz)).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 700170, Тошкент шаҳри Зиёлилар кўчаси, 13-уй. Тел.: (871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2020 йил “\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2020 йил “\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги рақамли реестр баённомаси).

**Н.М.Маҳмудов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

**Ғ.М.Исмаилов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, ф.ф.н.  
катта илмий ходим

**Д.Худойберганова**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, ф.ф.д., профессор

## КИРИШ (Докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида ўтган асрнинг сўнги чорагидан бошлаб тил бирликларининг нутқда инсон омили билан боғлиқ ҳолда юзага чиқувчи хусусиятларини ўрганишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Тил тадқиқига бундай ёндашувда, айниқса, прагматик, когнитив, лингвокультурологик, социолингвистик аспектлардаги тадқиқоқтларга кенг ўрин берилди. Бу йўналишларда амалга оширилган ишларда инсоннинг шахс сифатидаги хусусиятлари, жамиятдаги миллий-маданий қадриятлар, ижтимоий, сиёсий ҳодисаларнинг тилда акс этиши масаласи ўртага ташланди; тил бирликлари контекст, нутқ вазияти, сўзловчи ва тингловчиларнинг ташқи олам ҳақидаги билимлари билан боғлиқликда ўрганилди, тил эгаларининг лисоний захираси, нутқ яратиш механизми, лисоний онги текширилди. Бунинг натижасида лисоний шахсга хос хусусиятларнинг тилда намоён бўлиши масаласига доир қизиқарли илмий хулосаларга эга бўлинди.

Дунё тилшунослиги бугунги кунда тилни нутқ вазияти ва контекст, тил эгаларининг ташқи олам ҳақидаги умумий билимлари, тил кўникмалари, нутқий малакаси каби омиллар билан алоқадорликда ўрганувчи прагматингвистика йўналишида кўплаб ютуқларга эришди. Шунга қарамай, бу йўналишда ўз ечимини кутаётган масалалар ҳам мавжуд. Жумладан, ўзбек тили бирликларининг ишоравий (дейктик) хусусиятини аниқлаш, уларнинг нутқий-прагматик вазифаларини таҳлил қилиш, дейктик бирликларнинг нутқни ихчамлаштириши, ўрни келганда, ортикчаликни юзага келтириши каби масалаларни ўрганиш мана шундай долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Дейктик хусусиятли бирликларни прагматик аспектда тадқиқ этиш уларнинг семантик-функционал хусусиятлари, матн ҳосил қилишдаги ўрни, услубий имкониятлари каби масалалар ечимида муҳим аҳамиятга эга. Бу жиҳатдан дейксис ва унинг моҳияти, семантик таснифи, дейксисни шакллантирувчи воситалар, унинг ифода усуллари, дейктик бирликларнинг нутқдаги вазифасини ўзбек тили материаллари мисолида тадқиқ этиш ўзбек прагматингвистикаси учун ниҳоятда муҳим ва долзарб масала ҳисобланади. Зеро, ўзбек тилшунослиги олдида «Ўзбекистон тараққиётининг бугунги янги босқичи – миллий юксалиш даври талабларидан келиб чиқиб, она тилимизнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш», «она тилимизнинг тарихий илдизларини чуқур ўрганиш, уни илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш ва қўлланиш доирасини кенгайтириш»,<sup>1</sup> «давлат тилининг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузи, унинг бошқа тиллар билан алоқалари истиқболларини белгилаш»<sup>2</sup> масаласи турган экан, ўзбек тилини дунё

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганнинг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4479-сонли қарори. 2019 йил 4 октябрь. <https://lex.uz/docs/4664611?type=doc>

<sup>2</sup> Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президенти ПФ-5850-сонли Фармони. 2019 йил 21 октябрь. <https://lex.uz/docs/4561730>

тилшунослигининг замонавий тадқиқ усуллари орқали илмий асосда чуқур ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистонда илм-фан, таълимни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ислохотлар, айниқса, ўзбек тилининг Давлат тили сифатидаги мақомини оширишга қаратилган сўнгги фармон ва қарорлар тилшунослар зиммасига масъулиятли вазифаларни юкламоқда. Диссертация мавзусининг тилни инсон омили билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этишга бағишланганлиги унинг бугунги кун талабларига мослиги ва долзарблигини асослайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш, чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5850-сон, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2020 йил 20 октябрдаги «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6084-сон Фармонлари; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги «Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 984-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.**<sup>3</sup> Тилшуносликда дейксис ҳодисаси, унинг турлари, прагматик хусусиятларини ўрганишга бағишланган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Лейпциг университети (Германия), Калифорния университети (АҚШ), Гарвард университети (АҚШ), Москва семантика мактаби (Россия), Россия Фанлар академияси Бутунроссия илмий-техника ахборот институти (Россия), Мюнхен университети (Германия); Кембридж университети (Буюк Британия); Сидней университети (Австралия); (Воронеж педагогика университети (Россия); Удмурт давлат университети (Россия); Самарқанд давлат чет тиллар институти, Навоий давлат педагогика институти (Ўзбекистон)да кенг кўламда тадқиқ этилмоқда.

Дунё тилшунослигида дейксис ҳодисаси тадқиқига оид илмий изланишлар натижасида дейксис ҳодисасининг тил тизимидаги ўрни, нутқда

---

<sup>3</sup> [www.disserscat.com](http://www.disserscat.com); [www.philol.msu.ru](http://www.philol.msu.ru); <https://myfilology.ru/semantika/moskovskaya-semanticheskaya-shkola/>; <http://www.ucla.edu/>; <http://www.harvard.edu/>; <http://www.viniti.ru/>; <https://www.uni-muenchen.de/>; <http://www.unsw.edu.au/>; <http://msu.ru/>; <http://www.usyd.edu.au/>; <http://www.vspu.ac.ru/>; <http://www.umn.edu/>; <http://www.berkeley.edu/>; <https://www.academia.edu/>; <https://udsu.ru/>; <http://pi.sfedu.ru/>; <http://www.bashedu.ru/>; <http://www.bsru.ru/>; <http://www.samsu.ru/>.

намоён бўлиши, янги турлари (Лейпциг университети (Германия); майдон назарияси асосида ўрганилган (Калифорния университети (АҚШ); сўз ва объект ўртасида бевосита алоқа яратадиган индекс белгилар назариясига асос солинган (Гарвард университети (АҚШ); дейксиснинг бирламчи ва иккиламчи ифода усуллари масаласига аниқлик киритилган (Москва семантика мактаби (Россия); дейктик бирликларнинг эгоцентрик бирликлар каторига кириши далилланган (Россия Фанлар академияси Бутунроссия илмий-техника ахборот институти (Россия); дейксиснинг анафора билан муносабати, фарқи илмий асосланган (Мюнхен университети (Германия); дейктик бирликлар функционал-семантик майдон доирасига бирлаштирилган (Воронеж педагогика университети (Россия); дейксиснинг эксплицит ва имплицит ифодаланиш усуллари белгиланган (Удмурт давлат университети (Россия); дейксис ҳодисасининг моҳияти, тарихи ва уни прагмалингвистик нуқтаи назаридан тадқиқ этиш тамойиллари белгилаб берилган (Самарқанд давлат чет тиллар институти); дейксиснинг ўзбек тилида ифодаланиши ва унинг турларини аниқлаш, функционал-семантик майдон нуқтаи назаридан тадқиқ этишнинг асосланиши (Навоий давлат педагогика институти) тилшуносликда изчил ўрганилаётгани эътиборга молик.

Жаҳон тилшунослигида бугунги кунда дейксис назарияси соҳасида, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: дейктик бирликларни семантик майдонга бирлаштирган ҳолда ўрганиш; болалар нутқида дейктик бирликларнинг қўлланилиш даражасини аниқлаш; электрон шаклдаги мулоқот матнларида қўлланган дейктик бирликларнинг прагматик хусусиятларини очиб бериш; дейксиснинг эксплицит ва имплицит ифода усуллари белгилашда лисоний ва нолисоний омилларнинг ўрнини очиб бериш; дейктик бирликларнинг нутқий мулоқотдаги социопрагматик хусусиятларини аниқлаш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тилшуносликда дейксис ҳодисасини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар қиёсий-типологик ҳамда алоҳида тиллар мисолида олиб борилган. Шунингдек, дейксис назариясининг моҳияти, таснифи, дейксис турлари каби умумназарий масалалар ёритилган ишлар ҳам мавжуд. Қиёсий-типологик йўналишда дейксиснинг турли тиллар тизимидаги ўрни, актуаллиги ўрганилган бўлса (А.М.Абашилова, С.С.Рахимов, Г.Рау); алоҳида тилларда дейксиснинг ифодаланиши тадқиқ этилган ишларда дейктик бирликларнинг шу тилда кузатилувчи коммуникатив-прагматик хусусиятлари аниқланган (С.Левинсон, П.Стоквелл, Г.Ситта, Ю.Д. Апресян, Н.Д. Арутюнова, А.А. Кибрик ва бош).

Жаҳон тилшунослигида И.В.Шматова, И.А. Стернин, В.В.Жура, Ю.Д.Апресян, В.В.Бурлакова, А.В. Кравченко<sup>4</sup> ва бошқа олимларнинг

---

<sup>4</sup> Шматова И.В. Дейксис в системе глагола современного английского языка. // Автореф. дисс. канд. филол. наук. – М., 1975; Стернин И.А. К проблемы дейктических функций слова. // Автореф. дисс. канд. филол. наук. – М., 1973; Жура В.В. Эмоциональный дейксис в вербальном поведении английской языковой личности. Дисс. ... канд. филол. наук. – Волгоград: ВГПУ, 2000; Кравченко А.В. Вопросы теории указательности: Эгоцентричность. Дейктичность. Индексальность. – Иркутск, 1992; Апресян Ю.Д. Дейксис в лексике и грамматике и наивная модель мира. // Семиотика и информация. 1986, вып. 28. – С. 5-33;

дейксис масаласига оид тадқиқотлари диққатга сазовор. Ўзбек тилшунослигида М.Ҳақимов, Ш.Сафаровларнинг бу муаммонинг назарий талқинига доир хулосалари илмий қимматга эга.<sup>5</sup> Шунингдек, қиёсий-чоғиштирма тилшуносликда ўзбек тилининг айрим дейктик бирликлари инглиз ва рус тили бирликлари билан қиёсан ўрганилган ишлар ҳам аҳамиятли.<sup>6</sup> Бироқ бу муаммо ўзбек тили материаллари асосида махсус тадқиқ этилмаган. Бу ҳолат ўзбек тилининг барча ишора бирликларини тўлиқ белгилаш, дейксиснинг турлари ва ўзбек мулоқот матнида ўзига хос ифодаланиш усулларини аниқлашни тақозо қилади.

Бугунги кунда дейксис турлари, ифодаланиш усуллари, ёндош ҳодисалардан фарқи кабилар бўйича билдирилаётган турли фикрлар ушбу мавзунинг нафақат ўзбек тилшунослигида, балки жаҳон тилшунослигида ҳам ҳали тўлиқ ечимини топмаганлигини кўрсатади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация Навоий давлат педагогика институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўзбек тилшунослигининг назарий ва амалий масалалари» мавзусидаги тадқиқот доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўзбек тилининг ишора бирликларини аниқлаш ва прагматик табиатини очиб бериш, дейктик бирликларни ишора объектига кўра таснифлаш, дейксис ҳодисасини функционал-семантик майдон нуктаи назаридан ўрганиш, унинг ифодаланиш усуллари ва воситаларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

дунё тилшунослигида дейксис ҳодисасининг прагматик моҳияти ва талқини бўйича мавжуд назарий қарашларни таҳлил қилиш, уларга муносабат билдириш;

ўзбек тилида шахс, предмет, замон, макон, белги, миқдор, ижтимоий, эмоционал, пропозитив ва дискурс дейксисини ҳосил қилувчи тил бирликларини аниқлаш ва функционал-прагматик хусусиятини очиб бериш;

дейксиснинг бирламчи ва иккиламчи ифодаланиш усулларига ойдинлик киритиш;

ўзбек тилида дейксиснинг имплицит ифодаланиш усулини ёритиш;

ўзбек тилида дейксисни шакллантирувчи паралингвистик воситаларни аниқлаш;

---

Бурлакова В.В. Дейктические категории в тексте. // Предложение и текст: семантика, прагматика и синтаксис. – Ленинград: Изд-во ЛГУ, 1988. – С. 85-88.

<sup>5</sup> Ҳақимов М. Прагмалингвистик тадқиқотлар тарихи. – Фарғона, 2020. – 148 б.; Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2008. – Б. 178.

<sup>6</sup> Рахимов С. Речевая коммуникация и проблема дейксиса в разносистемных языках. – Тошкент: Фан, 1989. – 90 с.; Шерматов А. Инглиз илмий-техник матнида дейксиснинг ифодаланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2008; Болтақулова Г.Ф. Инглиз ва ўзбек тилларида темпораллик ва унинг дейктик хусусиятларининг қиёсий-функционал тадқиқи: Филол. фан. бўйича фалсафа док. (PhD) дисс. ... автореф. – Тошкент, 2018. – 54 б.



дейксис ҳодисасини лингвистик майдон назарияси нуқтаи назаридан ўрганиш, дейксис функционал-семантик майдони таркибий тузилмасини белгилаш;

ўзбек тили ишора бирликларини дейктик хусусияти асосида функционал-семантик микромайдонларга бирлаштириш ва майдон сатҳларида жойлашув ўрнини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ўзбек тилининг дейктик бирликлари ҳамда дейктик бирликлар таҳлилида бадиий ва сўзлашув нутқи материаллари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни ўзбек тили дейктик бирликларининг функционал-прагматик хусусиятларини ўрганиш ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотни амалга оширишда таснифлаш, тавсифлаш, қиёслаш, умумлаштириш, функционал-семантик, прагматик ва контекстуал таҳлил усулларида фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ўзбек тилида дейксиснинг шахс, предмет, замон, макон, белги, миқдор, ижтимоий, эмоционал, пропозитив ва дискурс каби турлари белгиланган, уларни ҳосил қилувчи тил бирликлари аниқланиб, функционал-прагматик хусусиятлари очиқ берилган;

дейксис ҳодисаси ўзбек тили бирликлари мисолида ёритилиб, унинг тил ва нутқдаги моҳияти, ишора объектига кўра турлари, нутқ (матн)да ифодаланиш усуллари аниқланган;

ўзбек тилида дейксиснинг бирламчи (бевосита) ва иккиламчи (билвосита) усулларда нутқий вазиятга кўра ифодаланиши асосланган;

ўзбек тилида дейксиснинг имплицит ифодаланиш усули аниқланиб, унинг ифода воситалари матнда дейксис турларига яширин ишорани ҳосил қилиши аниқланган;

ўзбек тилида дейксисни ифодаловчи паралингвистик воситалар белгиланган, уларнинг асл дейктик бирликлардан фаркли хусусиятлари очиқ берилган;

ўзбек тилининг дейктик бирликлари семантик-функционал майдонга бирлаштирилган, майдоннинг таркибий тузилмаси: ядро ва чегара қисмлар белгиланган;

дейксис функционал-семантик майдони дейксис турлари асосида микромайдонларга ажратилган, дейктик бирликларнинг ушбу микромайдонларда жойлашув ўрни аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

дейктик бирликларнинг матн қисмларини боғлашдаги вазифаси ҳамда нутқий тежамлилиқка хизмат қилиши амалий жиҳатдан асосланган;

дейктик бирликларнинг нутқда ортиқча такрорларни бартараф этиши, нутқ эгасининг турли коммуникатив мақсадини юзага чиқаришга хизмат қилиши, матн таркибий қисмларининг узвий боғланишини таъминлаши асосланган;

мулоқот иштирокчиларининг узатилган нутқ (матн)ни мантиқий-семантик жиҳатдан тўғри қабул қилишларида дейктик бирликларнинг ўринли қўлланиши муҳим аҳамиятга эгаллиги далилланган;

нутқ жараёнида дейктик бирликлардан тўғри фойдаланиш амалий жиҳатдан нутқнинг маданийлигини таъминлаши асослаб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ўзбек тилида дейксис ходисасининг тилшуносликнинг замонавий таҳлил усулларида тадқиқ этилганлиги, назарий маълумотларни беришда аниқ илмий манбаларга таянилганлиги, хулосаларнинг замонавий лингвистик таҳлил методлари орқали асосланганлиги, назарий қарашлар ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги, мавзунинг жаҳон тилшунослигининг энг сўнгги илмий концепциялари асосида ўрганилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти дейктик бирликларнинг прагмалингвистик хусусиятларига доир мавжуд илмий-назарий қарашларни янги билимлар билан бойитишга хизмат қилиши; прагмалингвистикада олиб борилаётган тадқиқот ишларига, хусусан, дейксис турларини белгилаш ва таснифлашда, тил бирликларининг дейктик хусусиятларини аниқлашда назарий асос вазифасини ўташи билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, прагмалингвистикага оид дарслик, ўқув қўлланмаларини яратишда, соҳага доир луғатлар тузишда; олий ўқув юртлари филология йўналишида маъруза, семинар машғулотларини ташкил қилишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбек тилида дейктик бирликлар тадқиқи натижалари асосида:

феълнинг шахс-сон, замон, нисбат қўшимчалари; эгалик ва айрим келишик аффиксларининг дейктик хусусиятига оид илмий-назарий хулосалардан ФА-Ф1-ГООЗ рақамли «Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (ЎЗР ФАнинг 2020 йил 23 сентябрдаги 3/1255-1974-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа аффиксларнинг дейктик бирлик сифатида қўлланилиши тўғрисидаги илмий-назарий маълумотлар билан бойитилган;

дейксиснинг юзага келиш сабаблари, дейксисга ишора қилувчи лисоний воситалар, турли сатҳ бирликларининг прагматик хусусиятларига оид назарий хулосалардан А-1-61 рақамли «Кўриш имконияти чекланган талабалар учун тилшунослик фанлари бўйича аудиокитоб таъминотини яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида чоп этилган «Ўзбек тили ва адабиёти» мутахассислиги бўйича магистрлик диссертациясини ёзишга қўйиладиган талаблар (кўриш имконияти чекланган талабалар учун мўлжалланган)» номли услубий кўрсатма ҳамда «2014-2016 йилларда нашр этилган тилшунослик фанларига оид мақолаларнинг қисқача мазмуни» номли кўриш имконияти чекланган талабалар учун мўлжалланган аудиомаълумотлар тўпламида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим

вазирлигининг 2020 йил 24 августдаги 89-03-2917-сон маълумотномаси); Натижада лойиҳа доирасида турли сатҳ бирликларининг прагматик хусусиятларини очиб беришда ушбу диссертация натижаларидан фойдаланиш ижобий самара берди.

ономастик бирликларнинг матндаги ўрни, уларнинг дейктик вазифаларда келиб нутқ иштирокчиларига муайян объект тўғрисида билвосита ахборот узатишига доир назарий қарашларидан ФА-ИЗ-Г009 рақамли «Ономастик бирликларнинг лингвопоэтик тадқиқи» китобини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш» инновацион лойиҳасида фойдаланилган (ЎзР ФАнинг 2020 йил 23 сентябрдаги 3/1255-1974-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа ономастик бирликларнинг нутқда дейктик вазифа касб этиши тўғрисидаги янги илмий-назарий қараш билан бойитилган.

дейктик бирликларнинг нутқда ортиқча такрорларни бартараф этиши, нутқ эгасининг турли коммуникатив мақсадини юзага чиқаришга хизмат қилиши, матн таркибий қисмларининг узвий боғланишини таъминлаши, тил тараққиётида дейктик бирликларнинг ўрни тўғрисидаги талабаларнинг билим ва кўникмаларини такомиллаштиришга оид илмий хулосалардан ОТ-Ф8-062 рақамли “Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 25 сентябрдаги 89-03-3552-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа тил бирликларининг дейктик хусусиятига оид янги илмий далиллар асосида бойитилган.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «O‘zbekiston» телерадиоканалининг «Бедорлик», “Миллат ва маънавият”, “Таълим ва тараққиёт” номли эшиттиришларининг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «O‘zbekiston» телерадиоканалининг 2020 йил 28 сентябрдаги 04-25/835-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар кўрсатувнинг холис ёндашув асосида тайёрланиши, тилнинг инсон омили билан боғлиқликда ўрганилиши, тил бирликларининг нутқий имкониятлари, инсон онгида ва дунёқарашида тил дунёсининг аксиологик манзарасини белгилашга доир илмий, амалий ва методологик ғояларни кенг жамоатчиликка етказилишига имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 5 та халқаро, 8 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш: 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг докторлик диссертацияси асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 17 та мақола, жумладан, 10 таси республика ҳамда 7 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 5 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 208 саҳифани ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, илмий янгилиги, амалий натижалари тавсифланган; олинган натижаларнинг назарий ҳамда амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқотнинг жорий қилиниши, натижаларнинг эълон қилинганлиги, тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг «**Дейксиснинг прагматик моҳияти ва лисоний тизимдаги ўрни**» деб номланган биринчи бобида дейксиснинг прагматик аспектда тадқиқ этилиши асосланган, дейксис бўйича илгари сурилган қарашлар таҳлил қилинган, зарур ўринларда уларга муносабат билдирилган, дейксис ва унга ёндош ҳодисалар фарқи очиб берилган, тилшуносликда дейксис таснифига ёндашувлар ўрганилиб, дейксис турлари белгиланган.

Маълумки, *дейксис* грекча «δείξις» (deixis) сўздан олинган бўлиб, *кўрсатиш*, *ишора* маъносини англатади. Ҳозирги кунда тилшуносликда коммуникатив мулоқот иштирокчилари ҳамда уларнинг ижтимоий мавқеи, эмоционал ҳолати; нутқ кечаётган замон ва макон; нутқ қаратилган нарсаси-предмет, белги, миқдор, ҳаракат-ҳолат, воқеа-ҳодиса кабиларга тил бирликлари ёки бошқа белгилар орқали ишора қилиш *дейксис* ҳодисаси сифатида талқин этилади. Бошқача айтганда *дейксис* лексик ва грамматик воситаларнинг ишора қилиш вазифасини англатувчи тушунча сифатида нутқий акт иштирокчилари ҳамда жумла таркибий қисмлари денотатив мазмунининг аҳамиятлилигини кўрсатишга хизмат қилади.<sup>7</sup>

Дейксис коммуникатив-прагматик ҳодиса сифатида нутқнинг шаклланиши ва тингловчига тўғри етказилишида муҳим аҳамиятга эга. Нутқнинг ишора қилиш, ҳавола қилиш вазифасини бажарувчи тил бирликларисиз, яъни дейктик бирликларсиз самарали кечиши мушкул, албатта. Бу жиҳатдан рус олимаси Б.А.Серебренникованинг дейксис ҳақидаги қуйидаги фикрлари ўринли: «Дейксис инсон нутқий фаолиятининг ўзига хослигидир. Жонсиз нарсалар оламида ҳеч қандай дейктик воситалар учрамайди ва бунга эҳтиёж ҳам мавжуд эмас. Бир предметнинг бошқа предметлардан ажратиб кўрсатилиши, унинг ўрнига ишора қилиниши билан предмет ўз хусусиятини ўзгартирмайди. Инсонга дейксис нутқ мўлжалини олиш учун зарур. Дейктик бирликлардан маҳрум этилган нутқ тингловчи учун умуман тушунарсиз бўлиб қолиши мумкин».<sup>8</sup>

Англашиладики, нутқ фаолияти ва дейксис ўзаро чамбарчас боғлиқ. Дейксис нутқда тил бирликларнинг ишоравийлик хусусиятини намоён қилувчи ҳодисадир. Ишоравийлик вазифасини лингвистик ва экстралингвистик воситалар орқали бажарувчи дейксис тилнинг белгилар тизими сифатида шаклланишида муҳим ўрин тутаяди. Аммо дейктик

<sup>7</sup> Лингвистический энциклопедический словарь // <http://www.textologia.ru/slovari/lingvisticheskie-terminy/deyxis-v-lingvistike/?q=486&n=2200>

<sup>8</sup> Серебренников Б. А. Роль человеческого фактора в языке: Язык и мышление. – М.: Наука, 1988. – С.146.

бирликлар қўлланган ўринда унинг ишора объектига аниқлик киритувчи нутқий вазият, контекст, нутқ иштирокчиларининг умумий билиш фонди бўлмаса, нутқдан қўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.

Дейксис назарияси таҳлилига оид кўплаб тадқиқотларда асосий эътибор дейксис ва анафора муносабати масаласига қаратилади. Бундай ишларда реал мулоқот жараёнида нутқ иштирокчиларига ишорани англаувчи дейксис *соф*, *асл дейксис* сифатида тавсифланса, матн қисмларига ишора қилиш орқали уларнинг семантик-синтактик жиҳатдан боғланишига хизмат қилувчи дейксис *анафора* сифатида эътироф этилади.<sup>9</sup>

Маълумки, матн қисмларининг ўзаро боғланишида анафорик (матн қисмини олдинги қисми билан боғлаш) ва катафорик (матн қисмини кейинги қисми билан боғлаш) бирликлар муҳим ўрин тутаяди. Матн яратар экан, муаллиф унинг таркибий қисмларига, матнда акс этган нарса-предмет, воқеа-ҳодисага ишора қилиши мумкин. Бундай вазиятда анафорик ва катафорик бирликлар дейктик вазифа бажариш билан бирга матн қисмларининг семантик-синтактик жиҳатдан ўзаро боғлиқлиги ва унинг яхлитлигини таъминлашга хизмат қилади. Англашиладики, анафора ва дейксис ўхшаш ҳамда ёндош ҳодисалар ҳисобланади.

Дейксис назариясининг марказий тушунчаларидан бири *дейктик бирликлар*дир. Нутқ (матн) таркибида «ишора қилиш» вазифасини бажарувчи бирликлар дейктик бирликлар сифатида баҳоланади. Бундай бирликлар тилда муайян объектни бевосита номловчи номинатив бирликлардан фарқли тарзда нутқий вазиятга ёки сўзловчи томонидан белгиланган муайян мўлжал марказига нисбатан объектни тавсифлайди.

Ҳар бир тилда дейксис ва унинг турларини юзага келтирувчи махсус тил бирликлари мавжуд. Шунга қарамай, баъзан нутқ жараёнида муайян нарса-предмет, воқеа-ҳодисага ишора қилиш вазифаси экстралингвистик воситалар зиммасига ҳам юкланади.

Тадқиқотларда дейксис асосини сўзловчи шахсига алоқадор «эгоцентрик» тил бирликлари ташкил этиши ҳақида кўп фикр билдирилади. Дейктик бирликларга эгоцентрик нуқтаи назардан ёндашиш уларнинг нутқ субъектига доимий алоқадор бўлишини тақозо этади. Бироқ нутқ субъекти ҳар доим ҳам дейксиснинг марказида бўла олмаслиги мумкин. Дейксиснинг ишора мўлжалини фақат субъективлик нуқтаи назаридан баҳолаш, сўзловчи билан чеклаш уни тор доирада изоҳлашга олиб келади. Дарҳақиқат, мулоқот марказида кўпинча сўзловчи туради, дейксиснинг ишоравийлик функцияси унинг кўриш майдони орқали юзага чиқади. Бироқ ишора қилинаётган объект предмет, макон, вақт бўлиши ҳам мумкин, яъни нутқий вазиятга кўра ўзгариши мумкин. Шу боис, Ш.Сафаров қайд этганидек, «воқелик баёнида замон – макон – ижтимоий мавқе марказлари **мулоқот ШАХСи** томонидан

---

<sup>9</sup> Кибрик А.А. Об анафоре и их соотношении. // Разработка и применение лингвистических процессоров: сб.науч.тр. – Новосибирск: Вычислительный центр СО АН СССР, 1983. – С.107-129; Муковский О.Л. Дейксис и анафора в русском, английском и испанском языках. Дисс. ... канд.филол.наук. – Санкт-Петербург, 2015. – С.14-47.

белгиланиши»<sup>10</sup> мақсадга мувофиқ. Дейксисни белгилашда мулоқот шахсининг ўрнини эътиборга олиш унинг ўрганиш объектини кенгайтиради. Мулоқот шахси нутқий вазиятга боғлиқ ҳолда белгиланадиган барча ҳолатлар дейксис ҳодисаси таркибида ўрганилади.

Бобнинг иккинчи бандида тилшуносликда дейксис ҳодисасининг ўрганилиши масаласи ёритилган, дейксис ҳақидаги назарий қарашлар таҳлил қилиниб, дейксис назариясининг умумий қоидалари белгилаб берилган.

Маълумки, тилшуносликда дейксисни ўрганишга бағишланган тадқиқотлар, асосан, икки йўналишда: қиёсий-типологик ҳамда коммуникатив-прагматик аспектларда олиб борилмоқда. Қиёсий-типологик йўналишдаги ишларда дейксиснинг қиёсланаётган тиллардаги умумий ва хусусий жиҳатларини аниқлашга эътибор қаратилган бўлса, коммуникатив-прагматик йўналишдаги тадқиқотларда дейксиснинг нутқдаги ўрни, матндаги ифода имкониятлари ўрганилди.

Дейксис ҳодисасини ўрганишга илк марта қадимги юнон грамматистлари Аристотель, Аполлоний Дискол эътибор қаратишди. Улар дейктик бирликлар сифатида предметлар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни таъминловчи олмошларни қайд этишган. Дейктик бирликларни олмошлар билан чегаралаш унинг «ишора бирлиги» сифатида қабул қилинишига олиб келди. Европа тилларида олмошларга нисбатан лотин тилидаги *дейксис* термини ўрнига унинг калькаси *демонстративлар* термини қўлланди.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб жаҳон тилшунослигида дейксис ҳодисасини ўрганиш актуаллик касб этди ва тилнинг барча сатҳлари доирасида амал қилувчи универсал коммуникатив категория сифатида тадқиқ этила бошланди. Бу даврда дейксис муаммосини ўрганишга немис тилшуноси К.Бругманн алоҳида эътибор қаратди. Унинг ишлари кейинчалик тилшуносликда дейксис назарияси асосчиси сифатида эътироф этилувчи немис тилшуноси ва психологи К.Бюлер томонидан ривожлантирилди.

Дунё тилшунослигида дейксис масалалари таҳлил этилган ишлар қаторида Ж.Лайонз, Р.Якобсон, Ч.Пирс, А.Уфимцева, И.Стернин, И.Шматова, Ю.Апресян, В.Бурлакованинг изланишлари ҳам муҳим ўрин тутди. Уларнинг асарларида дейктик бирликлар прагмалингвистик аспектда ўрганилиб, унинг тадқиқ объектига айлантирилди.

Бугунги кунда дейксис муаммоси таҳлилига бағишланган тадқиқот ишлари кўп бўлса-да, уларда *дейксис* тушунчаси турлича талқин қилинган, дейксис турлари ҳар хил таснифланган. Жумладан, Т.Мисайлова дейксисга нутқий вазият қисмларини актуаллаштириш усули, дейктик бирликларга жумланинг актуал қисми сифатида баҳо беради.<sup>11</sup> Дарҳақиқат, мулоқот жараёнида дейктик бирликлар нутқ иштирокчиларининг диққатини ўзига жалб қилади. Тингловчи ахборотни қабул қилиши билан ана шу дейктик

<sup>10</sup> Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2008. – Б.181.

<sup>11</sup> Мисайлова Т.И. Дейксис как актуализация компонентов речевой ситуации и денотативного содержания в повествовательном и описательном художественных текстах: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Улан-Уде, 2005. – 24 с.

бирлик ишора қилган объектни қидиришга тушади. Бу ҳолат дейктик бирликни актуаллаштирувчи восита сифатида намоён қилади.

Дейксис ҳодисаси тадқиқ этилган ишларда тилнинг ишора бирликлари *шифтер*, *эгоцентрик бирлик*, *индекс*, *оператор* терминлари билан ҳам ифода этилади.<sup>12</sup> Жумладан, О.Есперсен ишора бирликларига нисбатан *шифтер* терминини қўллаган,<sup>13</sup> Ч.Пирс уларни *индекс белгилар* деб аташни тавсия қилган.<sup>14</sup> Е.В.Падучева эса ишорага хосланган бирликларни *эгоцентрик бирликлар* тарзида номлаган<sup>15</sup> ва ҳоказо.

Маълумки, узоқ вақт тилшуносликда дейктик бирликлар сифатида, асосан, кўрсатиш, кишилиқ олмошлари, ўрин ва пайт равишлари ажратилди. Аммо матннинг прагматик таҳлили юзасидан олиб борилган кузатишлар асосида дейктик бирликларнинг ифода воситалари кенг кўламли ва кўп сатҳли эканлиги, ҳатто тилнинг паралингвистик воситалари орқали ҳам мулоқот жараёнида ишора қилиш вазифаси амалга оширилиши аниқланди.

Ўзбек тилшунослигида ҳам дейксис ҳодисаси бўйича муайян изланишлар амалга оширилган. Дейксис ва уни намоён этувчи тил бирликларининг хусусиятларига муносабат билдирилган, шунингдек, ўзбек тили дейктик бирликлари бошқа тиллар бирликлари билан қиёсан ўрганилган.

Дейксис ҳодисаси бўйича билдирилган назарий қарашлар бир-бирини тўлдириши билан бирга, баъзан бир-бирига мувофиқ келмаслиги ҳам мумкин. Дейктик бирликларга оид назарий қарашлардаги зиддиятли ўринлар турли тилларда бу бирликларнинг ўзига хос хусусиятларга эгаллиги, айниқса, уларнинг миллий-маданий белгисига кўра фарқли эканлиги билан боғлиқ. Ҳар бир тилда унинг миллий-маданий хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда қўлланувчи ўз дейктик бирликлари мавжуд бўлади. Шу боис дейксис ҳодисасининг воқеланиши, ифода бирликлари ва усуллари турли тилларда фарқланади. Бу жиҳатдан ўзбек тилида дейксис ҳодисасини шу тил материаллари асосида тадқиқ этиш долзарб муаммо бўлиб, мазкур ҳодисанинг муайян тилга хос хусусиятларини аниқлашга имкон беради.

Биринчи бобнинг учинчи бандида дейксис таснифига ёндашувлар ва дейксис турлари масаласи таҳлил қилинган. Маълумки, дейксис тадқиқига бағишланган дастлабки ишларда *шахс*, *замон*, *макон дейксиси* ажратилган. Сўнгги йилларда дейксис турли тиллар доирасида чуқурроқ ўрганилиши натижасида унинг янги турлари белгиланди. Дейксис турлари баъзи ишларда нутқий акт имкониятлари ва хусусиятларидан келиб чиқиб белгиланган бўлса, айрим тадқиқотларда дейктик бирликларнинг вазифавий хусусиятлари, ишора объектини кўрсатиш белгисига кўра таснифланди.

Дейксиснинг анъанавий шахс, замон, макон дейксиси турлари дейктик бирликларнинг ишора объектини кўрсатиш белгиси асосида ажратилади.

---

<sup>12</sup> <http://www.krugosvet.ru/articles/76/1007612/1007612a1.htm>.

<sup>13</sup> Jespersen O. Language: Its Nature, Development, and Origin. – New York, 1922. – 456 pp.

<sup>14</sup> Пирс Ч.С. Логические основания теории знаков. – Санкт-Петербург: Алетейя, 2000. – С. 59.

<sup>15</sup> Падучева Е. В. Эгоцентрические единицы языка и режимы интерпретации. [www.dialog-21.ru](http://www.dialog-21.ru) > media > paduchevaev

Дейксис тадқиқига бағишланган кейинги тадқиқотларда *меъёрий ҳолат* ва *баҳо*, *эмоционал*, *дискурс*, *социал*, *денотатив*, *коммуникатив*, *предмет*, *миқдор дейксиси* каби турлари ажратилиб, ҳар бирининг моҳияти очиб берилди.

Манбаларда дейксиснинг кўрсатилган турлари ҳар хил тавсифланган. Масалан, С.Раҳимов меъёрий ҳолат ва баҳо дейксисини ажратган. Унинг фикрича, инсоннинг меъёрий ҳолати унинг ҳаракати, ҳолатининг ўзгаришига нисбатан дейктик марказ вазифасини бажаради. Жумладан, инглиз тилидаги «come» ва «go» феълларининг асосий маъноларидан ташқари меъёрий ҳолатга ишора қила олиш хусусиятига эгаллиги уларни дейктик бирлик эканлигини кўрсатади.<sup>16</sup> Бизнингча, мазкур тасниф мантиқий ёндашув маҳсулидир, борлиқдаги ҳар қандай меъёрий ва ўзгарувчан ҳолатларнинг тилдаги ифодасини дейксис сифатида баҳолаб бўлмайди.

Дейксис таснифида аксарият ҳолларда нутқ иштирокчиларининг ўрни эътиборга олинishi кузатилади. Жумладан, О.Д.Афанасьева тингловчининг ҳам вазиятга кўра марказий нуқта бўла олиши мумкинлигини асослаб, *вазият дейксисини*,<sup>17</sup> К.Бругман *нейтрал дейксис*, *сўзловчи доирасини кўрсатувчи дейксис*, *тингловчи доирасини кўрсатувчи дейксис*, *объектнинг сўзловчидан узоқлик масофасини кўрсатувчи дейксисни* ажратган.<sup>18</sup> Албатта, ишора мўлжалининг нафақат сўзловчига, бошқа нутқ иштирокчиларига нисбатан ҳам белгиланиши асосли. Зеро, нутқда дейктик бирликларнинг ишора мўлжали нутқий вазиятга кўра ўзгариб туради.

Айрим тадқиқотларда дейксис турларини белгилашда ишоранинг йўналиши, манбаси эътиборга олинган. Масалан, К.Элих дейксиснинг матндан ташқаридаги воқеликка ва матн ички тузилишига йўналганлигига кўра *ички* ва *ташқи дейксисни*,<sup>19</sup> А.К.Устин эса бадиий матнда кузатилувчи *маданий генли дейксис* (культурогенный)ни ажратган. Бу ўринда А.К.Устиннинг матн ички тузилиши табиат қонунияти остида эмас, инсон интеллекти, маданияти орқали ўзлаштирилиши, бу жиҳатдан дейксис асосида «Шахс», «Макон», «Замон» эмас, маданий генли дейксис учун асос бўладиган «Ҳаёт», «Муҳаббат», «Ўлим» тушунчалари ётиши ва бу дейктик белгиларни ҳар қандай бадиий матндан топиш мумкинлиги ҳақидаги қарашлари диққатни тортади.<sup>20</sup> Бизнингча, А.К.Устин кўрсатган бу белгилар дейксисга мантиқий-фалсафий ёндашув маҳсулидир. Зеро, шахс, макон ва замонсиз нафақат дейксисни, балки борлиқнинг мавжуд бўлишини ҳам тасаввур этиб бўлмайди.

Тилшунослигимизда ҳам дейксис муайян турларга ажратилган ҳолда таҳлил қилинган. Жумладан, Ш.Сафаров *шахс*, *замон*, *макон*, *эмоционал*,

---

<sup>16</sup> Раҳимов С.Кўрсатилган манба.

<sup>17</sup> Афанасьева О.Д. Коммуникативная недостаточность высказываний, содержащих ситуативный дейксис. – Л.: Вестник ЛГУ, 1989. № 3. – С. 93-96.

<sup>18</sup> Кибрик А.А. Дейксис. // [http://encyclopaedia.bigra.ru/enc/liberal\\_arts/DEKSIS.html](http://encyclopaedia.bigra.ru/enc/liberal_arts/DEKSIS.html).

<sup>19</sup> Элих К. Анафора и дейксис// Речь, Место и Действие. – Chichester, Нью-Йорк, Сингапур, 1982. – С.328.

<sup>20</sup> Устин А.К. Дейктическая концепция текста, мышления и культура. Автореф. дисс. док. культ. наук. – Санк Петербург, 1998. – 35 с.



дискурс, социал дейксисни; Г.Болтақулова инглиз-ўзбек тилларида *темпорал* дейксиснинг ифодаланишини кўрсатган.<sup>21</sup> Дейксис турларини белгилашда уни ҳосил қилувчи бирликларнинг, аввало, нимага ишора қилишини аниқлаш муҳим.

Дейктик бирликларнинг ишора объектига кўра ўзбек тилида дейксиснинг қуйидаги турларини фарқлаш мумкин: *шахс, предмет, белги, миқдор, макон, замон, ижтимоий, эмоционал, пропозитив, дискурс дейксиси*. Дейксиснинг қайд этилган турлари нутқда ўзбек тилининг фонетик, лексик, морфологик ва синтактик сатҳ бирликлари орқали ҳосил бўлади. Албатта, ўзбек тилидаги дейксиснинг бундай турлари ва ишора бирликларининг ҳар бири алоҳида тадқиқ объекти бўла олади.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Ўзбек тилида шахс, предмет, замон ва макон дейксисини ҳосил қилувчи бирликлар**» деб номланган бўлиб, унинг биринчи бандида ўзбек тилида шахс дейксисини ҳосил қилувчи бирликларнинг прагматик хусусиятлари очиқ берилган.

Тилда *шахс* семаси бевосита шахсни ифодаловчи бирликлар билан бирга, муайян нутқ вазиятида шахсга ишора қилувчи тил воситалари орқали ҳам ҳосил қилинади. Нутқда тил бирликларининг дейктик хусусияти асосида шахсга ишора қилиниши *шахс дейксисини* юзага келтиради. Ўзбек тилида шахсга ишора қилувчи бирликларнинг кўлами кенг. Жумладан, шахсга нисбатан қўлланувчи кишилик, гумон, белгилаш, бўлишсизлик, сўроқ, ўзлик олмошлари; кишиларга қўйилган атоқли отлар; шахс-сон ва эгалик қўшимчалари; отлашиб, шахсларга нисбатан қўлланган сон, сифат, равиш туркумига оид сўзлар; кишиларга нисбатан қўлланувчи мурожаат бирликлари; шахс дейксисини имплицит усулда ифодаловчи *бу ерда, шу пайтда* каби сўз бирикмалари, субъектив муносабат ифодаловчи бирликлар ва бошқалар киради.

Шахс дейксисини ҳосил қилувчи бирликлар ичида кишилик олмошлари ажралиб туради. Кишилик олмошлари бевосита шахсларни англатади, аммо контекст орқали айтилган шахснинг ким эканлигига ишора қилиб туради. Шу боис кишилик олмошларини ишора орқали *шахс* тушунчасига аниқлик киритувчи дейктик бирликлар сифатида тавсифлаш мумкин бўлади.

Шахсга ишора қилувчи бирликларни сўзловчи шахси – «мен»сиз тасаввур этиб бўлмайди. Сўзловчи мулоқот жараёнида марказий ўринда туради. Бошқа нутқ иштирокчиларининг мавқеи айтилган шу нутқ эгаси, яъни сўзловчига нисбатан белгиланади. «Сўзловчи шахсга тобелик» бошқа кишилик олмошларининг зарурий ва марказий белгиси саналади.

Ўзбек тилида феълнинг шахс-сон кўрсаткичлари шахс дейксисини ҳосил қилишда олмошларга нисбатан фаол. Аммо сўзловчи ўз ички «мен»ини юзага чиқариш, шахсиятини таъкидлаш каби коммуникатив мақсадини тингловчига етказишда *мен* олмошидан фойдаланади. Масалан: ***Мен ҳозир бориб чўқмол билан мадраса кошинларини уриб тушираман! Мен***

---

<sup>21</sup> Болтақулова Г.Ф. Инглиз ва ўзбек тилларида темпораллик ва унинг дейктик хусусиятларининг киёсий-функционал тадқиқи: Филол. фан. бўйича фалсафа док. (PhD) дисс. ... автореф. – Тошкент, 2018. – 54 б.

ҳозир бориб ҳаммомни ҳам кўприкни ҳам бузаман! **Мен** ҳамма ёқни бузаман!!! Ҳамма ёқни бузаман!!! Мусаллони ҳам бузаман, чунки унда **менинг** хизматим бор! **Мен** уларни ким учун қурдим! Ким учун!!! Шу қотил амирзодалар учунми?! Йў-ў-қ, **мен** хато қилган эканман! **Мен**, эсини еган чол, доимо хато қилиб юрибман! – у пешанасига кафти билан қарсиллатиб ура бошлади. (Мирмуҳсин)

Ушбу матнда мен олмоши етти маротаба қўлланган. Сўзловчи олмошни такрор қўллаш орқали ўз шахсини алоҳида таъкидлашни кўзда тутган, шу билан бирга, руҳий ҳолатини ҳам намойиш қилган.

Нутқда шахсга ишора қилувчи бирликлардан яна бири атоқли отлардир. Атоқли отлар ишоравийлик вазифасига хосланганлиги билан асл дейктик бирликлар сирасига киради. Н.Маҳмудов атоқли отларнинг дейктик хусусиятини қуйидагича шарҳлаган эди: «Атоқли отлар логик жиҳатдан *бу, шу, у, ўша* каби кўрсатиш олмошларига жуда яқин туради. Чунки атоқли отлар ҳам, бундай кўрсатиш олмошлари ҳам семантик жиҳатдан «тўқ» эмас, яъни уларнинг иккаласи ҳам муайян объектни бевосита ифодаламайди, балки айни объектларга ишора қилади, уларни кўрсатади».<sup>22</sup>

Дарҳақиқат, атоқли отлар ҳам олмошлар каби иккиламчи номлар бўлиб, матн (контекст)сиз унинг ишора объектини аниқ билиб бўлмайди. Масалан, *Чўз Оймомо юзларидан, Оймомо юзлари чўздан қолишмади* (Т.Мурод) гапида *Оймомо* атоқли отининг ишора объекти тингловчи учун мавҳум. Унга аниқлик киритиш учун матнга мурожаат қилинади. Англашиладики, атоқли отнинг ишора объектига аниқлик киритишда контекст, нутқ вазияти ва тил эгаларининг шу объект ҳақидаги умумий билимлари ёрдамга келади.

Диссертацияда шахс дейкисини ҳосил қилувчи бошқа бирликларнинг ҳам дейктик хусусиятлари ёритилди.

Иккинчи бобнинг иккинчи бандида ўзбек тилида предмет дейкисини ҳосил қилувчи бирликлар таҳлилга тортилган. Предмет дейкисини кенг маънодаги *предмет* тушунчаси остида бирлашувчи нарса-буюм, ҳайвон, ҳашарот; предмет тасаввуридаги белги, ҳаракат-ҳолат ва ўрин-жой; предмет тасаввуридаги вақт, микдор, кечим, ҳолат, вазият кабиларга ишора қилувчи бирликлар ҳосил қилади. Улардан айримларига тўхталиб ўтамиз.

Предмет дейкисини ҳосил қилувчи фаол бирликлардан бири кўрсатиш олмошларидир. Масалан, *Нормат этигининг кўнжидан пичогини чиқарди. Уни шарт қинидан суғурди-ю, олдинга бир қадам интилди* (С.Аҳмад) гапида қўлланган *уни* олмоши нарса-предмет (пичок)га ишора қилади.

Нарса-предметга ишора қилувчи дейктик бирликлар сирасига предметга атаб қўйилган атоқли отлар ҳам киради. Бундай атоқли отларнинг айнан қандай предметга ишора қилаётганлиги контекст асосида аниқланади. Масалан, *Низомжон машиналар, аравалар орасидан ўтиб бораркан, «Виллис»да «Казбек» тутатиб ўтирган акасини кўриб қолди* (С.Аҳмад) гапида қўлланган *Виллис* атоқли оти *машинага, Казбек* оти эса тамаки маҳсулотига ишора қилади.

---

<sup>22</sup> Маҳмудов Н. Пресуппозиция ва гап // Ўзбек тили ва адабиёти, 1986. № 6. – Б. 30.

Диссертацияда предмет дейксисини ҳосил қилувчи нарса-предметга нисбатан қўлланувчи кўрсатиш, белгилаш, бўлишсизлик, гумон олмошлари; отлашиб, предметга ишора қилувчи сифат ва сонлар; *нарса, буюм* сўзлари билан ҳосил бўлган бирикмалар ҳам ўрганилиб, дейктик хусусиятлари очиб берилган.

Бобнинг учинчи банди ўзбек тилида замон дейксисининг ифодаланиши масаласига бағишланган бўлиб, унда замон дейксисининг ишора бирликлари таҳлил қилинган. Нутқда воқелик кечаётган вақт бевосита ифода этилмай, унга муайян тил бирликлари орқали ишора қилиниши *замон дейксиси* ҳисобланади. Замон дейксисида ишора қилинаётган вақт сўзловчи нутқи кечаётган вақтга кўра белгиланади, яъни сўзловчи нутқи кечаётган пайтдан олдинги вақтга ишора, сўзловчи нутқи кечаётган пайт ва сўзловчи нутқи кечаётган пайтдан кейинги вақтга ишора тарзида. С.Боймирзаева буни шундай изоҳлайди: «Тил тизимида мавжуд бўлган дейктик марказ ва объектив нутқ лаҳзаси (моменти) ўзаро боғлиқ, чунки ушбу марказ аслида нутқий мулоқот жараёнида нутқ моментига нисбатан юзага келадиган муносабатларнинг умумлаштирилиши, идрок этилиши ва лисоний воқеланиши натижасидир».<sup>23</sup>

Ўзбек тилида замон билдирувчи пайт равишлари, замонга нисбатан қўлланувчи сўроқ, белгилаш, гумон, бўлишсизлик олмошлари; ўрин-пайт келишиги ва чегара шакли қўшимчасини қабул қилган кўрсатиш олмошлари, вақтни номловчи атоқли отлар, феълларнинг замон кўрсаткичлари, замонга ишора қилувчи *кечаги, бугунги, аввалги, эндиги* сифатлари; *замон, пайт, маҳал, зум, вақт, кун, йил, дам* луғавий бирликлари билан шаклланган бирикмалар замон дейксисини ҳосил қилади. Ушбу бирликлар ўтган, ҳозирги ва келаси замонга ёки замонлар давомийлигига ишора қилувчи бирликлар сифатида семантик зидликни ҳосил қилади. Масалан, *кеча – бугун – эртага; аввал – ҳозир – кейин*.

Пайт равишлари ишора қилган замон реал вақт билан мос келмаслиги ҳам мумкин. Масалан, мактуб ёзилган вақтга нисбатан қўлланган *ҳозир* равиши ҳозирги замонга ишорани англатади. Мактубни олган ва ўқиётган киши учун мазкур замон ўтган замонни англатади.

Ўзбек тилида маълум бир вақтга атаб қўйилган номлар ҳам замон дейксисини шакллантирувчи бирликлар сирасига киради. Жумладан, «*Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили*» 2019 йилга, «*Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили*» 2020 йилга ишора қилади. Ёки байрам ва маросимларга қўйилган номлар улар ўтказиладиган санага, ойга: «*Наврўз*» байрами 21 мартга, «*Янги йил*» байрами 1 январга ишора қилиб, замон дейксисини шакллантиради.

Ўзбек тилида замон дейксисини ҳосил қилувчи бирликлар турли-туман. Улар замонга ишора қилиш орқали матнда ифодаланган муайян замонга аниқлик киритади. Диссертацияда замон дейксисини ҳосил қилувчи бошқа бирликларнинг ҳам дейктик хусусиятлари ёритилди.

---

<sup>23</sup> Боймирзаева С. Матн мазмунида темпораллик семантикаси. – Тошкент: ЎзМЭ, 2009. – Б. 99.

Бобнинг тўртинчи бандида макон дейксисини ҳосил қилувчи бирликлар прагматик таҳлилга тортилган. Маълумки, муайян объект ёки субъектнинг жойлашиш ўрнига ишора нутқ иштирокчиларига нисбатан белгиланади. Албатта, дейксиснинг семантик асосида «мен», «сўзловчи» тушунчаси ётади. Бунда сўзловчи нутқий акт юз бераётган вақт ва унинг ўрнини белгиловчи марказ, мўлжал саналади. Бироқ бу ўринда тингловчининг ўрни ҳам инобатга олиниши мақсадга мувофиқ. Негаки нутқий мулоқотда сўзловчи ва тингловчининг ҳар иккаласи учун атрофдаги вазиятни идрок этиш, кузатиш имкони мавжуд. Макон дейксисида сўзловчи ва тингловчидан ташқари нутқий мулоқотда иштирок этмаётган, бироқ вазиятни кузатаётган ва уни хикоя қилиб бераётган шахснинг ҳам муҳим ўрни бор.

Макон дейксисини ҳосил қилувчи бирликлар объектнинг борликда эгаллаган ўрнига ишора қилади ёки уни кўрсатади. Мазкур бирликлар сирасига маконга нисбатан қўлланувчи кўрсатиш, бўлишсизлик, гумон, белгилаш олмошлари; маконга нисбатан сўроқни билдирувчи сўроқ олмошлари, *ўзида, ўзларида* шаклидаги ўзлик олмошлари; ўрин равишлари, маконни номловчи атоқли отлар, маконга нисбатан қўлланган феъл, от ва сонлар; маконга ишора қилувчи кўчма маънодаги бирликлар, *у ер, бу ер, ўша жой, ҳар ерда, ҳеч жойда, ҳамма ёқда* каби бирикмалар; *ер, ёқ, томон, макон, жой* каби ўрин-жой отлари билан ҳосил бўлган бирикмалар киради. Қуйида улардан айримларининг дейктик вазифасига изоҳ берамиз.

Ўзбек тилида олмошлар маконга ишора қилувчи фаол дейктик бирлик сифатида аҳамиятли. Олмошлар ишора қилган объектнинг тингловчи томонидан тўғри қабул қилинишида контекст, нутқ вазияти муҳим ўрин тутаяди. Масалан, *Бу менга ёқмади, бошқасини кўрайлик* гапида қўлланган бу олмошининг ишора объекти мавҳум. Буни аниқлаштириш учун контекстга эҳтиёж туғилади. «*Умар уйни кўриб чиқишигач, даллолга юзланди: Бу менга ёқмади, бошқасини кўрайлик*». Ушбу контекстда бу олмоши уйни сўзи орқали англашилувчи маконга ишора қилиб, макон дейксисини шакллантирган.

Маконга ишора қилувчи бирликлар маконнинг сўзловчига нисбатан жойлашган масофаси (узоқ – яқин)га ҳам ишора қилади. Масалан, *Юсунов область ижроия комитети биноси олдида машинадан тушди. Канал штаби шу бинога ўрнашган* (С.Аҳмад.) гапида қўлланган *шу* олмоши *ижроия комитет биносига* ишора қилиш билан бирга бинонинг *Юсуновга* яқин масофадалигини ҳам кўрсатади.

Дейктик бирликларнинг узоқ ёки яқиндаги маконга ишора қилишини аниқлашда сўзловчининг ўрни инобатга олиниши лозим. Мазкур ҳолда «сўзловчи турган макон ва сўзловчи ўзини тасаввур қилган макон»<sup>24</sup> фарқланади. Шунга кўра макон дейксисининг қуйидаги ички турларини фарқлаш мумкин: 1) *реал макон дейксиси*; 2) *ирреал макон дейксиси*.

Сўзловчи муайян предмет ўрин олган маконни ўзи турган маконга нисбатан белгиласа, реал макон дейксиси, тасаввуридаги маконга нисбатан

---

<sup>24</sup> Апресян Ю.Д. Дейксис в лексике и грамматике и наивная модель мира.//Семиотика и информация. 1986, вып.28. – С.5-33.

белгиласа, ирреал макон дейксиси намоён бўлади. Албатта, маконнинг реал ёки ирреаллиги матн қуршовида аниқланади. Масалан: *Сутдек ойдин август кечаларини ким билмайди дейсиз. Осмондаги юлдузлар узоқ-узоқлардан мўралашса ҳам, улар шундай яқиндан ҳар бири ўзича нур сочади. Мана Зухро юлдузи. Буниси Етти қароқчи.* («Шарқ юлдузи»)

Ушбу мисолда сўзловчи ўзини юлдузлар осмонига яқин тасаввур қилади ва юлдузлар ўрин олган маконга *шундай яқиндан* бирлиги орқали ишора қилади. Сўзловчи *мана, буниси* олмошлари орқали юлдузларга ишора қилиш билан бирга уларни ўзига яқин масофада тасвирлайди.

Диссертациянинг учинчи боби «**Ўзбек тилида белги, миқдор, ижтимоий, эмоционал, пропозитив ва дискурс дейксисни ҳосил қилувчи бирликлар**» деб номланган. Бобнинг биринчи бандида белги ва миқдор дейксисини ҳосил қилувчи ишора бирликлари таҳлилга тортилган. Нутқда муайян тил бирликлари орқали белгига ишора қилиниши *белги дейксисини* юзага келтиради. Ўзбек тилида белгига нисбатан қўлланувчи кўрсатиш, белгилаш, гумон, бўлишсизлик, сўроқ олмошлари; предмет белгисига ишора қилувчи сифатдош ва айрим нисбий сифатлар; кишилар белгисига ишора қилувчи лақаб, тахаллусни ифодаловчи отлар белги дейксисини ҳосил қилади. Масалан, – *Иби, она, бу қиз нервинни бўлиб қолибди, – деди Гулгина. – Эрсиз қолганидан шундай бўлган бу* (Н.Норматов) мисолида қўлланган *шундай* олмоши белгига ишора қилиш вазифасини бажарган.

Ўзбек тилида кишиларга қўйилган айрим лақаб, тахаллусни ифодаловчи атоқли отлар ҳам шахсга, ҳам унинг муайян белгисига ишора қилганда уларнинг дейктик доираси кенгайди. Масалан, – «*Хира поччам*»ни *кутаётгандирсан.* (С.Аҳмад) гапида қўлланган «*Хира поччам*» лақаби шахсга ишора қилиб, шахс дейксисини; характерига (хиралигига) ишора қилиб, белги дейксисини ҳосил қилган.

Нутқда предмет миқдорига ишора қилувчи бирликлар орқали *миқдор дейксиси* ҳосил бўлади. Тилшуносликда миқдор дейксисининг даража-миқдор билан боғланиши ҳам кузатилади. Масалан, Е.И.Шейгал даража ифодаловчи сўзларнинг ишораси орқали англашилувчи дейксисни миқдор дейксиси ҳисоблаган.<sup>25</sup>

Ўзбек тилида миқдор дейксисини шакллантирувчи фаол бирликлар сирасига кишилик олмошларини киритиш мумкин. Бу олмошлар нафақат шахсларга, уларнинг сони (миқдори)га ҳам ишора қилишига кўра ажралиб туради. Бунда *мен, сен, у* шахсларнинг яккалигига, *биз сиз, улар* шахснинг бирдан ортиқ эканлигига ишора қилиб, шахс ва миқдор дейксисини ҳосил қилади. Мазкур олмошларнинг якка ва бирдан ортиқ шахсга ишора қилиши улар учун қатъий ҳолат эмас. Баъзан улар нутқий вазиятга кўра бирининг ўрнида иккинчиси қўлланиши ҳам мумкин. Масалан, – *Ҳа биз шу ерда, – деди Орзиқул, тўнининг енгини кийиб* (А.Қаҳҳор) гапида қўлланган *биз*

---

<sup>25</sup> Шейгал Е.И. Градация в лексической семантике. – Куйбышев: Куйбышевский гос. пед. инс-т, 1990. – 96 с.

олмоши шахснинг якка эканлигига ишора қилиб, миқдор дейксисини юзага чиқарган.

Маълумки, *неча, қанча, қанчадир* олмошлари: *оз, кўп, анча, кўплаб* каби миқдор-даража равишлари бевосита миқдорни англатади, аммо улар нутқда қўлланар экан, дейктик вазифа ҳам бажаради. Масалан, *Пул юборипти. Анча пул. ...Оз эмас, етти юз.* (С.Аҳмад) мисолида қўлланган *анча* олмоши ишора қилган миқдорга матннинг кейинги қисмида аниқлик киритилган.

Ўзбек тилида шахс-сон, эгалик категорияси кўрсаткичлари ҳам шахс ва унинг сонига ишора қилиб, шахс ва миқдор дейксисини юзага чиқаради. Диссертацияда уларнинг дейктик хусусияти бирма-бир таҳлил қилинган.

Учинчи бобнинг иккинчи бандида ижтимоий дейксис ва уни ҳосил қилувчи бирликлар ўрганилган. Маълумки, тил эгаларининг ижтимоий мақоми уларнинг касб-кори, қариндошлик ҳолати, оиладаги мавқеи ва ўрни кабиларга нисбатан белгиланади. Нутқ (матн) унинг эгасининг ижтимоий ҳолати ҳақида маълумот берувчи муҳим воситадир. Масалан, нутқ эгаси томонидан танланган ўзига хос мурожаат бирликлари, нутқий этикет шакллари унинг ижтимоий ҳолати ҳақида ахборот таший олади.

Нутқда мулоқот иштирокчиларининг ижтимоий ҳолатини акс эттиришда кўпинча ижтимоий ҳолат ифодаловчи дейктик бирликлардан фойдаланилади. Бундай бирликлар нутқ эгаларининг ижтимоий ҳолатига ишора қилиш билан бирга, уларнинг воқеликка нисбатан субъектив муносабатини ҳам акс эттиради. Ушбу бирликлар нутқ иштирокчиларининг ижтимоий мавқеидан аввал унинг ўзига ишора қилиб, шахс дейксисини ҳосил қилади. Бу ҳолат, айниқса, кишилик олмошларида яққол намоён бўлади. Маълумки, сўзловчи нутқида кишилик олмошларини қўллашда тингловчининг ижтимоий ҳолатига эътиборини қаратади. Жумладан, сўзловчи *сен* олмоши орқали ёш жиҳатдан кичик, тенг; ўзига яқин ёки ижтимоий мавқеи қуйи бўлган шахсларга ишора қилади. Масалан: *Сен ўзи кимсанки, «задерживать» қиласан?...* (Т.Мурод)

Нутқда *мен* олмоши сўзловчининг ижтимоий мавқеига, яъни бошқа нутқ иштирокчиларидан устунлигига ишора қилиб, ижтимоий дейксисни ҳосил қилади. Масалан: *Кўшчи кўкрагига кафт қўйди. – Мен! – дея кўкрак урди. Мана шу мен, ботир фирқаман, Ботир фирқа! ...* (Т.Мурод)

Нутқда ижтимоий дейксисга фақат маълум бир контекстда ишора қилувчи бирликлар ҳам мавжуд. Масалан, *Биласанми, ука, икки соат олдин Иккинчининг қабулида эдим* (Ў.Ҳошимов) гапида қўлланган *иккинчи* сони шахснинг бош раҳбардан кейинги лавозим эгаси эканлигига ишора қилиб, ижтимоий дейксисни ҳосил қилган.

Ижтимоий дейксиснинг юзага келишида ижтимоий хосланган лексик бирликлар диалектал сўзлар, жаргон ва арголар, қариндошлик атамалари, касб-кор билан боғлиқ сўзлар ажралиб туради. Тадқиқотда бу бирликларнинг ҳам дейктик хусусияти очиб берилган.

Бобнинг учинчи банди эмоционал дейксисни ҳосил қилувчи бирликларнинг дейктик табиатини ёритишга қаратилган. Тил эгаларининг эмоционал ҳолати баъзан уларнинг нутқида қўлланган муайян тил

бирликларининг ишораси орқали ҳам англашилади. Сўзловчи эмоционал ҳолатига муайян лингвистик ва экстралингвистик воситалар орқали ишора қилиниши *эмоционал дейкисни* юзага келтиради. Дейкиснинг бу турида шахснинг эмоционал ҳолати унинг воқеликка муносабати, баҳоси орқали намоён бўлади. Нутқ эгаси воқеликка баҳо беришда ички кечинмаларига асосланади. Шунга кўра, сўзловчининг воқеликка баҳосини унинг эмоционал ҳолатининг намоён бўлиши сифатида талқин қилиш мумкин.

Маълумки, инсон эмоционал ҳолати ҳар қандай ҳолатда ҳам унинг ташқи қиёфасида аксланади. Демак, нутқий мулоқот иштирокчиларининг эмоционал ҳолатини кўрсатишда фақат лингвистик воситаларнинг ўзи етарли бўлмайди. Инсон руҳияти, ички кечинмалари ўлчаб бўлмас даражада жуда ранг-баранг бўлганидек, унинг ифода воситалари ҳам турлича. Баъзан шахс эмоционал ҳолатини тўлиқ ифодалаш учун матнда паралингвистик воситаларга зарурат сезилади. Тадқиқотда эмоционал дейкиснинг фақат тил бирликлари ишораси орқали ифодаланиши масаласи таҳлилга тортилган бўлса-да, зарур ўринларда паралингвистик воситаларга ҳам изоҳ берилган.

Эмоционал дейкисда инсоннинг эмоционал ҳолатига ишора қилинса-да, матн орқали шу ҳолатнинг эгасини ҳам аниқлаш мумкин бўлади. Бошқача айтганда, мазкур дейкис ортида шахс дейкиси ҳам намоён бўлади.

Ўзбек тилида инсоннинг эмоционал ҳолатига ишора қилиш вазифасини бажаришда фонопрагматик воситалар муҳим ўрин тутди. Жумладан, интонация ҳамда товушларнинг чўзиқ талаффуз этилиши, иккилантирилиши каби фонетик ҳодисалар сўзловчининг турли эмоционал ҳолатига ишора қилади. Масалан: – *Қизим... ў-ў-ў-з-ига келдимиз? – деди Сафар ака ҳаяжонини босолмай.* (К.Синдаров)

Эмоционал ҳолатга ишора қилувчи фаол бирликлардан бири ҳис-ҳаяжон ундовларидир. *Оҳ, эҳ, э, вай, оҳҳо, ура, оббо, уҳ, бе, дод, эҳа...* ундов сўзлари бевосита нутқ эгасининг ҳис-туйғусини ифода этади. Бу сўзларнинг дейктик хусусияти уларнинг қандай эмоционал ҳолатга ишора қилиши асосида белгиланади. Масалан, – *Янги меҳмон кўрдим, ўртоқ. – Ия, ия, қутлуг бўлсин! Ўғилми?* (С.Аҳмад) гапида қўлланган *ия* ундов сўзи нутқ эгасининг қувончига ишора қилади.

Ўзбек тилида айрим феъллар, таклид сўзлар, баъзи юкламалар, шунингдек, айрим кириш қурилмалар, мурожаат бирликлари, ҳис-ҳаяжон ва риторик сўроқ гаплар, такрор қўлланишлар, қарғиш ва дуолар муайян нутқий вазиятида нутқ эгасининг эмоционал ҳолатига ишора қилиши мумкин. Умуман, шахснинг эмоционал ҳолатига ишора қилувчи бирликлар турлитуман бўлиб, уларнинг бу вазифаси матн таркибида аниқланади. Бугунги кунда нутқ эгаларининг ҳис-туйғулари нафақат ёзма шаклда, балки электрон шаклда махсус белги – стикерлар<sup>26</sup> орқали ҳам ифода этилмоқда. Эмоционал ҳолатга бу тарзда ишора қилиниши эмоционал дейкиснинг алоҳида кўриниши бўлиб, бу масалани алоҳида ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Учинчи бобнинг сўнги бобида пропозитив ва дискурс дейксисини ҳосил қилувчи бирликлар таҳлил қилинган. Нутқда муайян воқелик, вазият, ахборотга тил бирликлари орқали ишора қилиниши *пропозитив дейксис* деб юритилади. Пропозицияга ишора қилувчи дейктик бирликлар нутқ жараёнида тилга олинган ёки олдиндан маълум бўлган воқеликка ишора қилади. Бундай бирликларнинг бошқа дейктик бирликлардан фарқи шундаки, улар гапнинг мазмуний тузилишини мураккаблаштиради, яъни уларнинг ишораси орқали гапдан яна бир ахборот англашилади. Масалан: *Лутфиниса ҳовучини бетига тортиб кўрсатди. Бу унинг, никоҳ ўқитмасдан ёнимга йўлатмайман дегани эди.* (С.Аҳмад)

Мазкур матнда қўлланган бу олмоши *Лутфинисанинг ҳовучини бетига тортиб кўрсатиши* воқеасига ишора қилган. Жумлани семантик жиҳатдан қуйидагича шакллантириш мумкин: *Лутфинисанинг ҳовучини бетига тортиб кўрсатганлиги унинг никоҳ ўқитмасдан ёнимга йўлатмайман дегани эди.* Кўринадики, пропозитив дейктик бирлик иштирокидаги гап содда гап бўлса-да, семантик жиҳатдан мураккаб гап ҳисобланади. Бундай бирликлар иштирок этган гапларда доимо шакл ва мазмун номувофиқлиги юзага келади.

Пропозитив дейксисга ишора қилувчи бирликлар сирасига ахборот ташиш, унга ишора қилиш вазифасида қўлланган кўрсатиш, белгилаш, гумон, бўлишсизлик, сўроқ олмошлари ва айрим сонлар; воқеа-ҳодисани номловчи атоқли отлар, *шу боис, шу сабабли (туфайли), шунинг учун, шундан кейин (аввал, буён, бери, илгари), шу ҳақ(и)да (хусусида, тўғрисида)* кўмакчили қурилмалари; *баъзи одатлар, айрим ишлар, айтилган гап, эслатиб ўтилган воқеа, бир воқеа, бир гап, бўлиб ўтган иш* тарзидаги бирикмалар ҳамда ҳавола гаплар киради. Бундай бирликларнинг дейктик вазифаси матннинг юқори ёки қуйи қисмида акс этган ахборотга ишора қилиш ёки тингловчига бирор воқеа-ҳодисани ишора йўли орқали эслатиш, унинг ёдига туширишдан иборатдир.

Дейксисни юзага келтирувчи воситалар ичида матн таркибий қисмларига ишора қилувчи бирликлар алоҳида ўрин тутади. Дискурс дейксисида дейктик бирликларнинг ишораси матннинг қайси қисмига нисбатан эканлигини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Мазкур белгиси асосида дискурс дейктикларининг ишора объектини қуйидаги турларга ажратиш мумкин: 1) матннинг ҳажман катта бутунликлари (боб, қисм, параграф); 2) матн абзацлари; 3) абзац ичидаги жумлалар.

Матн қисмларига ишора қилувчи дейктик бирликлар матннинг муайян қисмига ишора қилиб, қисмлар ўртасида синтактик алоқани таъминлайди, матн таркибий қисмларини мазмунан боғлаш билан бирга, матн тузилишидаги изчилликни таъминлаш, матнда акс этган ахборотга тингловчи диққатини жалб қилиш каби вазифаларни ҳам ўз зиммасига олади.

Ўзбек тилида матн қисмларига ишора қилувчи бирликларни ишора йўналишига кўра қуйидаги турларга ажратиш мумкин: 1) матннинг олдинги қисмига ишора қилувчи дейктик бирликлар; 2) матннинг кейинги қисмига ишора қилувчи дейктик бирликлар; 3) матннинг олдинги ва кейинги қисмларига ишора қилувчи дейктик бирликлар.



Англашиладики, матн қисмларига ишора йўналишини аниқлашда дейктик бирликнинг матннинг қайси қисмида ўрин олганлиги муҳим. Яъни дискурс дейкисининг ишора мўлжали шу дейктик бирликка нисбатан белгиланади. У ишора маркази сифатида матнда ўзидан олдинги, кейинги ҳамда бир вақтнинг ўзида олдинги ва кейинги қисмларга ишора қилади.

Ўзбек тилида дискурс дейкисига ишора қилувчи бирликлар вазифасида айрим: олмош, мустақил ва ёрдамчи сўзлар, кириш қурилмалар, сўз бирикмалари ва гаплар келади. Бу бирликлар ўзи қўлланган гапдан олдинги ёки кейинги қисмга ишора қилиб, дейктик хусусият касб этади. Масалан: *Унинг айтишича, воқеа шундай бўлган. Ён қўшнисининг ақли ноқисроқ ўн олти яшар қизини бир номард зўрлаб қўяди. ...* (Ў.Ҳошимов)

Ушбу матнда қўлланган *шундай* олмоши матннинг кейинги қисмига ишора қилган. Сўзловчи воқеликни тўғридан-тўғри баён қилмай, уни ишора орқали шарҳлаган. Бу ҳолат нутқий ортиқчаликка сабаб бўлган. Албатта, бундай нутқий ортиқчалик орқасида сўзловчининг турли коммуникатив мақсади яширинган бўлади. Бундай қўлланишлар орқали ахборотга тингловчининг диққатини тортиш, унинг аҳамиятлилик даражасини кўрсатиш каби мақсадлар амалга оширилади.

Хуллас, ўзбек тилида дискурс дейкисини ҳосил қилувчи тил бирликлари турлича. Ҳатто матнда ўқувчига тушунарсиз сўзларга изоҳ бериш, фойдаланилган манбаларни кўрсатиш ёки қўшимча маълумотлар бериш мақсадида қўлланувчи ҳаволалар ҳам дискурс ишора бирликлари саналади.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Дейкиснинг нутқий воқеланиш усуллари**» деб номланган. Ушбу бобнинг биринчи бандида дейкиснинг бирламчи (бевосита) ва иккиламчи (билвосита) усулларда ифодаланиши масаласи таҳлил қилинган.

Дейкиснинг бирламчи ифодаланиш усули жонли мулоқот жараёнида кечган нутқ (матн)да юзага келади, бошқа нутқий вазиятларда шаклланган матнда дейкиснинг иккиламчи усулдаги ифодаси кузатилади. Жумладан, мулоқот иштирокчиларининг ўзи бўлмаган, бироқ уларнинг нутқидан ҳаволалар келтирилган, баъзан сўзловчи ва тингловчи бўлгани ҳолда уларнинг мулоқоти телефон, телеграм, инстаграм каби ахборот алмашинув воситалари орқали кечаётган, яъни кўриш майдони умумий бўлмаган ўринларда, сўзловчи нутқи тингловчи томонидан айтилган нутқ талаффуз этилган вақтда қабул қилинмаслиги, умуман олганда, реал жонли нутқий актдан холи ҳар қандай нутқий вазиятда нутқ объектига ишора қилиниши дейкиснинг иккиламчи усулдаги ифодаланиши саналади.

Дейкиснинг бирламчи усулда ифодаланишида нутқий вазиятнинг асосий нуқталари «сўзловчи – ҳозир – шу ерда» тарзида белгиланса, иккиламчи дейкисда мазкур дейктик марказнинг муқобили яратилади. Бунда дейктик марказ нуқтасида сўзловчи ёки мулоқот иштирокчиларидан бири эмас, балки уларнинг муқобил вакили – кузатувчи ўрин олади. Бу ҳолат бадиий матнда яққол намоён бўлади.

Иккиламчи дейксис диалогик нутқ жараёнида ҳам юзага чиқиши мумкин. Бунда сўзловчи ва тингловчининг умумий кўриш майдони битта бўлмайди, яъни улар бошқа-бошқа жойда туриб мулоқотга киришадилар. Сўзловчи ва тингловчи телефон, интернет орқали мулоқотга киришганда диалогик нутқда иккиламчи дейксис ифодаланади. Бундай нутқда қўлланган *бу ерда* олмоши фақат сўзловчи турган маконни кўрсатади. Тингловчи турган маконни кўрсатишда *у ерда* олмошининг ўзи етарли бўлмайди, унинг ўрнида нутқда *сизда, сиз томонларда* бирликларининг ишлатилиши ишорага аниқлик киритишга хизмат қилади. Кўринадики, нутқий акт иштирокчилари нутқ вазиятидан келиб чиққан ҳолда дейктик бирликларни ўзига мувофиқлаштиради. Масалан: –*Ҳозир бизда ҳаво булут бўлиб турибди, сизларда-чи? – Йўқ, бизда ҳаво очик.*

Ушбу диалогик нутқда турли макондаги мулоқот иштирокчиларининг суҳбати акс этган. Мулоқот жараёнида ҳар бир сўзловчи дейктик бирликлар орқали ўзи турган маконга ишора қилган ва макон дейксиси иккиламчи усулда намоён бўлган.

Тўртинчи бобнинг иккинчи бандида дейксиснинг имплицит ифодаланиш усули ёритилган. Нутқ (матн)да дейктик бирликлар қўлланмаса-да, ундан маълум бир объектга ишора англашилиб турса, дейксиснинг имплицит, яъни яширин ифодаланиши кузатилади. Нутқда имплицит дейксиснинг ифодаланишига шароит яратувчи воситалар мавжуд, бироқ уларнинг ишоравийлик вазифасини «ишора ортидаги ишора» сифатида тавсифлаш мумкин. Дейксиснинг эксплицит ифодаланишида дейктик бирликлар бевосита катнашса, имплицит ифодаланишида бундай бирликлар қўлланмайди ёки қўлланса ҳам, дейксис турларига яширин ишорани ҳосил қилади. Имплицит дейксисни шакллантирувчи бундай тил бирликларига макон ва замонга ишора қилувчи кўрсатиш олмошлари, улар иштирокида тузилган бирикмалар, равишлар, феълнинг буйруқ-истак майли шакллари, субъектив муносабат ифодаловчи айрим бирликлар мансуб. Бу бирликлар орқали имплицит ифодаланган ишора объекти контекст асосида аниқланади. Масалан: *Шабда ўтовнинг керагаларини аста гирчиллатади, саратон яйловининг бошни айлантирадиган экинини олиб келади. ... Бугун Онабиби шу ерда. Ана у ўтов соясида ивирсиб юрибди.* (А.Мухтор).

Келтирилган матнда сўзловчига ишора қилувчи тил бирликлари учрамайди. Бироқ китобхон матн ортида муаллифни ҳис қилади. Бунга матндаги *шу ерда, ана у* каби тил бирликлари йўл очади. Мазкур бирликлар сўзловчига ишора қилувчи тил бирликлари эмас, бироқ ёзувчи бу ўринда воқеликни муаллиф-кузатувчи сифатида баён қилган. Демак, воқелик муаллиф-кузатувчининг кўриш майдонида юз бермоқда. Матнда қўлланган *шу ерда* бирикмаси ўтовга ишора қилиб, макон дейксисини; *ана у* олмоши Онабибига ишора орқали шахс дейксисининг бирламчи усулда ифодаланишини юзага чиқарган. Нутқий вазият элементлари саналган ушбу объектларга ишора муаллиф-кузатувчига нисбатан белгиланган: *шу ерда* бирикмаси муаллиф-кузатувчи турган маконга, *ана у* олмоши объектнинг муаллиф-кузатувчига нисбатан узоқроқда эканлигига ишора қилади. Маконга

хос яқин-узоқликнинг сўзловчига нисбатан белгиланиши матн ортида турган муаллиф-кузатувчи шахсига ишоранинг иккиламчи усулини намоён қилади.

Бобнинг сўнгги бандида дейкиснинг паралингвистик воситалар орқали ифодаланиши масаласи ёритилган. Дейкиснинг ифодаланишида имо-ишораларнинг ўрни муҳим. Ўзбек тилида айрим имо-ишора ва хатти-харакатни билдирувчи бирликлар дейктик хусусиятга эга бўлиб, уларни қўйидагича таснифлаш мумкин: 1) фақат ишорага хосланган паралингвистик бирликлар; 2) объектга ишора қилиш, уни тавсифлаш ҳамда субъектив муносабатни ифодаловчи паралингвистик бирликлар.

Дейктик хусусиятли паралингвистик бирликларга бош, қўл, бармоқ, кўз, қош, ияк ҳаракатини акс эттирувчи бирликлар мансуб бўлади. Мулоқот жараёнида улар ахборотнинг айрим ўринларини такрорлайди. Бундай бирликлар кўп ҳолларда олмош ва равишларга ҳамроҳлик қилади. Сўзловчи *ана у, шу, шу ерда, ҳозир* дейктик бирликларини нутқида қўллар экан, бармоқлари орқали ҳам кўрсатиш ишорасини амалга оширади. Бунда у мазкур паралингвистик воситани қўллаш орқали фикрини янада аниқ ифодалашга эришади. Масалан: – *«Граф Л.Н.Толстой». «Николай таёқ», – деб ҳижжалаб ўқиди Олимтой сарғайиб, титилиб кетган китобчани икки қўллаб тутиб. – Николай? Қайси Николай? – Ўзи! – деди Валера кўрсаткич бармогини шифтга қадаб.* (А.Мухтор)

Мазкур матнда қўлланган *кўрсаткич бармогини шифтга қадаб* паралингвистик бирлиги *ўзи* олмоши билан биргаликда *Л.Н.Толстойга*, шунингдек, унинг ижтимоий мавқеига, яъни буюк шахс эканлигига ишора қилиб, ижтимоий ҳолат дейкисини ифодалашга хизмат қилган.

Диссертациянинг бешинчи боби **«Ўзбек тилида дейкис функционал-семантик майдони»** деб номланган. Ушбу бобда дейктик бирликларни функционал-семантик майдонга бирлаштириш, дейкис функционал-семантик майдонининг таркибий тузилмаси: ядро ва чегара қисмлар, мазкур майдонни ташкил этувчи микромайдонлар хусусиятлари ёритилган.

Функционал-семантик майдон (ФСМ) маълум мазмуний категорияларга таянган, вазифалари умумийлиги билан ўзаро муносабатда бўлган тилнинг турли сатҳларига хос воситалар системаси саналади.<sup>27</sup>

Маълумки, тил бирликларига хос умумий сема семантик майдоннинг шаклланишида асосий унсур ҳисобланади. Семалар даражасига кўра бирлаштирувчи ва фарқловчи семаларга ажратилади.<sup>28</sup> Дейктик бирликларни «бирлаштирувчи семага эга тил бирликлари» сифатида талқин этиш уларни умумий майдонга бирлаштириш имконини беради.

*Бирлаштирувчи сема* бир семантик гуруҳга мансуб бирликлар учун умумий сема сифатида уларнинг умумий категориал белгиларини ўзида намоён этади. Дейктик бирликларга хос «ишора» семаси уларни бир умумий майдонга бирлаштиради, ҳар бир бирликда кузатиловчи фарқловчи сема эса

<sup>27</sup> Искандарова Ш. Лексикани мазмуний майдон асосида ўрганиш муаммолари. – Тошкент: Фан, 1998. – Б. 44.

<sup>28</sup> Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тилининг систем лексикологияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б. 63.

(«шахсга ишора», «замонга ишора», «маконга ишора» кабилар) уларни бир-биридан фарқлашга хизмат қилади.

Дейкисни шакллантирувчи бирликларни қуйидаги хусусиятлари асосида ФСМ доирасига бирлаштириш мумкин: 1) дейктик бирликларнинг «ишора» дейктик семасига эгалиги; 2) дейктик бирликларнинг бир хил функционал хусусиятга эгалиги, яъни муайян объектга ишора қилиб туриш вазифасини бажариши 3) дейктик бирликларнинг турли (фонетик, лексик, морфологик, синтактик ва бош) сатҳларга тегишлилиги.

Ш.Искандарова ФСМнинг яна бир белгиси тўғрисида маълумот беради: «Функционал-семантик майдонда синонимик алоқалар мавжуд, бироқ у синонимик қатордан кенгроқ, яъни бундай майдон қарама-қарши бўлган маъноларни ҳам ўз ичига олади».<sup>29</sup> Мазкур белги бир умумий сема асосида микромайдонларга бирлашувчи дейктик бирликларда ҳам кузатилади. Масалан, *Шуни бериб юбор // Ўшани бериб юбор* типидagi гапларда *шу/ўша* олмошлари предметга ишораси жиҳатидан маънодошлик муносабатига киришса-да, предмет жойлашган маконнинг узоқ-яқинлигини кўрсатиши жиҳатидан зидланиш муносабатига киришади.

Дейкисни ФСМ нуктаи назаридан ўрганиш сатҳлараро алоқадорликни аниқлашга ёрдам беради. Дейктик бирликлар тилнинг турли сатҳларига оид бўлиб, нутқда бир хил вазифа бажариши уларни дейкис майдонида кесиштиради.

Бобнинг иккинчи бандида дейкис функционал-семантик майдонининг (ДФСМ) таркибий тузилмаси: ядро ва чегара қисмлари белгиланиб, уларни ташкил этувчи бирликларнинг майдондаги ўрни аниқланган.

ФСМ тилнинг ўзаро алоқа-боғланиш ва зиддиятдаги турли бирликларидан ташкил топган мураккаб тузилмадир. Жаҳон тилшунослигида лингвистик майдон тузилиши, одатда, майдон маркази ва унинг чегара қисмлари тарзида шакллантирилиши анъанавий тус олган. Дарҳақиқат, майдон доирасига киритилган бирликлар семантик жиҳатдан майдон моҳиятини турли даражада акс эттиради: улардан айримлари ФСМнинг марказини ташкил этувчи бирликлар бўлса, айримлари марказга яқин ва ҳатто ундан узоқда ўринлашуви мумкин.

Тилшунослар ФСМнинг тузилишига кўра икки асосий турини фарқлайдилар: 1) бир марказли ФСМ; 2) кўп марказли ФСМ.<sup>30</sup>

Бир марказли ФСМда марказ ва унинг чегара қисмларида ўринлашган бирликларнинг функционал-семантик қиймати умумий майдон учун бир хил бўлади. Кўп марказли ФСМ бир неча кичик ҳалқаларга бўлинувчи ва ҳар бир ҳалқада ўзининг маркази ва чегара қисмлари мавжуд бўлган майдон бўлиб, мазкур қисмларда бирликлар кичик ҳалқанинг моҳиятидан келиб чиқиб,

---

<sup>29</sup> Искандарова Ш. Кўрсатилган манба. – Б. 45.

<sup>30</sup> Бондарко А.В. Основы функциональной грамматики. URL: [http://www.ruslang.ru/doc/conf\\_text\\_subtext10\\_chronicle.pdf](http://www.ruslang.ru/doc/conf_text_subtext10_chronicle.pdf).

майдонда ўринлашади.<sup>31</sup> ДФСМ ҳам кўп марказли майдон бўлиб, уни ташкил этувчи микромайдонларнинг ҳар бири алоҳида марказ ва унга тегишли чегара қисмларни қамраб олади.

Дейкисис турларини ҳосил қилувчи бирликларнинг тилнинг турли сатҳларига тегишли эканлигини кузатдик. Бу бирликларни моҳиятига кўра асл ва вазифадош дейктик бирликларга ажратиш мумкин. Асл дейктик бирликлар «ишора» дейктик семасига эга бўлган ва доимий ишора қилиш вазифасини бажарувчи тил бирликларидир. Уларнинг бу вазифаси ҳар қандай нутқий шароитда ҳам сақланиб қолади. Бундай бирликлар «ишора» қилган объектга контекст асосида аниқлик киритилади. Масалан, ўзбек тили олмошларини асл дейктик бирликларга киритиш мумкин.

Вазифадош дейктик бирликлар муайян нутқ вазиятида зиммасига дейктик вазифа бажариш юклатилган бирликлардир. Уларнинг бу вазифаси ушбу нутқ вазиятидан ташқарида йўқолади.

Дейктик бирликлар семантик хусусиятига кўра ДФСМ маркази, марказга яқин ва чекка қисмидан ўрин олади. Дейктик бирликларнинг ДФСМ қисмларидаги ўрни қуйидаги белгилари асосида аниқланади: а) дейктик белгисининг марказий қисмда юқори даражада бўлиши ва чегара қисмларда кучсизланиши; б) дейктик вазифасининг марказдаги бирликлар учун хосланганлиги ва чегара қисмлардаги бирликлар учун доимий эмаслиги; в) «ишора» дейктик семасининг марказий қисм бирликларида асосий, чегара қисмлардаги бирликларда қўшимча сема эканлиги.

ДФСМининг марказидан асл дейктик бирликлар, марказга яқин ва узок қисмидан вазифадош дейктик бирликлар ўрин олади. Тилнинг ишора бирликларини микромайдонларга бирлаштириш уларнинг дейктик хусусиятларини очиб беришга, майдон бирликларига нисбатан эгаллаган позициясини кўрсатишга ёрдам берса, майдон сатҳларида ўринлашуви ишора белгисининг даражасини тасвирлашга хизмат қилади.

Бобнинг учинчи бандида дейкисиснинг функционал-семантик микромайдонлари хусусида сўз юритилган. ДФСМ бирликлари ишора объектининг турига кўра бир-биридан фарқланади. Шахс, замон, макон, эмоционал ҳолат, ижтимоий белги кабиларга ишора қилиш уларнинг фарқловчи белгилари бўлиб, мана шу белгилар дейктик бирликларнинг ички микромайдонларга бирлашувига асос бўлиб хизмат қилади. ДФСМ яхлитлигига эса таркибига кирувчи микромайдонларнинг ўзаро муносабатлари ва уни ташкил этувчи бирликларнинг функционал-семантик алоқаси орқали эришилади.

ДФСМ умумий яхлит тизим сифатида микромайдонларга бўлинишини чизмада қуйидагича тасвирлаш мумкин:

Чизма:

---

<sup>31</sup> Бондарко А.В. Кўрсатилган манба; Всеволодова М. Функционально-семантические поля и функционально-семантические категории (К вопросу о структуре содержательного пространства языка) // Лінгвістичні студії: зб. наук. праць. / укл. А. Загнітко та ін. Донецьк, 2007. Вип. 15. - С. 1-5.



Диаграммада кўрсатилган дейксиснинг микромайдонлари ДФСМ яхлитлигини таъминлайди, дейктик бирликларнинг фарқланишга асос бўлган хусусий белгиларини аниқ кўрсатади. Масалан, кишилик олмошлари шахс дейксисини ҳосил қилишига кўра майдоннинг бошқа аъзолари билан ўхшашлик белгисини, нутқ иштирокчиларидан бирига: сўзловчи, тингловчи ёки ўзга шахсга ишора қилиши билан хусусий белгисини намоён қилади. Ёки *мен, сен, у* олмошлари шахснинг яккалигига, *биз, сиз, улар* олмошлари шахснинг бирдан ортиқлигига ишора қилиб, миқдор дейксисини ҳосил қилади. Бундай вазиятда шахс ва миқдор дейксиси микромайдонлари бирликларининг ўзаро алоқаси намоён бўлади. Диссертацияда ҳар бир микромайдонни ташкил этувчи дейктик бирликлар батафсил ёритилди.

Дейксис микромайдонларида олмошлар турли микромайдонларни ташкил қилувчи сифатида иштирок этади. Бу ҳолат олмошларнинг асосий вазифаси ишорага хосланганлигидан далолат беради. Шунингдек, атоқли отларнинг шахс, предмет, макон, замон, белги, пропозитив дейксисни ҳосил қилувчи бирлик сифатида қўлланиши ҳам мазкур бирликнинг дейктик имконияти серқирра эканлигини намоён қилади.

Хуллас, дейксиснинг барча микромайдонларида олмошлар ва атоқли отлар мутлақ ишоравийликка хосланганлиги билан майдон ядросидан ўрин олади. Қолган дейктик бирликлар эса ишора хусусияти асосида майдоннинг турли сатҳларида жойлашади.

## УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Тилшуносликда дейксис ҳодисасининг ўрганилиши тил бирликларининг нутқда юзага чикувчи функционал хусусиятларини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Тил бирликларининг жумла таркибида муайян объектга ишора қилиши ва уни аниқлашда нутқ вазияти, контекстга бўлган эҳтиёж ушбу бирликларни прагматик аспектда ўрганишни тақозо қилади.

2. Дейктик бирликларга эгоцентрик нуқтаи назардан ёндашиш уларни сўзловчи нутқига хос доимий бирликлар сифатида талқин этишга олиб келади. Бироқ нутқ субъекти ҳар доим ҳам дейксиснинг марказида бўла олмаслиги мумкин. Дейксиснинг ишора мўлжалини фақат субъективлик нуқтаи назаридан баҳолаш, яъни сўзловчи билан чеклаш уни тор доирада изоҳлашга олиб келади.

3. Ҳар қандай нутқ (матн)да мулоқот иштирокчилари, у амалга оширилган макон ва замонга ишоранинг кузатилиши дейксиснинг барча тилларда умумий универсал жиҳатларга эга эканлигидан далолат беради. Дейктик бирликларнинг миқдори, турлари, қўлланиш ўрни ҳар бир тилда фарқланиши эса уларнинг хусусий белгиларини намоён қилади.

4. Дейктик бирликларнинг ишора объекти нутқ вазияти, контекст асосида аниқланади. Нутқ вазияти, контекстдан ташқарида дейктик бирликларнинг ишора объекти мавҳум бўлиб қолади.

5. Дейксис турлари уни ҳосил қилувчи дейктик бирликларнинг ишора объекти асосида белгиланади. Ўзбек тилида дейктик бирликларнинг ишора объектига кўра шахс, предмет, белги, миқдор, макон, замон, ижтимоий ҳолат, эмоционал, пропозитив, дискурс дейксисларини фарқлаш мумкин.

6. Нутқда муайян тил бирликларининг дейктик хусусияти асосида шахсга ишора қилиниши шахс дейксисини юзага келтиради. Шахс дейксисини ҳосил қилувчи бирликлар нутқда қўлланар экан, контекст орқали айтилган шахсларнинг ким эканлигига ишора қилиб туради. Шу боис уларни ишора орқали шахс тушунчасига аниқлик киритувчи дейктик бирликлар сифатида тавсифлаш мумкин.

7. Кенг маънода *предмет* тушунчаси остида бирлашувчи нарса-буюм, ҳайвон, ҳашарот кабилар; предмет тасаввуридаги белги, ҳаракат, ўрин-жой; предмет тасаввуридаги вақт, миқдор, кечим, ҳолат, вазият кабиларга ишорани англатувчи дейксис *предмет дейксиси* саналади.

8. Воқелик кечаётган вақтни бевосита кўрсатмай, унга муайян тил бирликлари орқали ишора қилинишини англатувчи дейксис *замон дейксиси* дейилади. Ўзбек тилида замон билдирувчи пайт равишлари, замонга нисбатан қўлланувчи сўроқ, белгилаш, гумон, бўлишсизлик олмошлари; ўрин-пайт келишиги ва чегара шакли қўшимчасини қабул қилган кўрсатиш олмошлари, вақтни номловчи атоқли от ва бошқалар замон дейксисини ҳосил қилади.

9. Нутқда маконга нисбатан қўлланувчи кўрсатиш, бўлишсизлик, гумон, белгилаш олмошлари; маконга нисбатан сўроқни билдирувчи сўроқ

олмошлари, *ўзидами, ўзларидами* шаклидаги ўзлик олмошлари; ўрин равишлари, маконни номловчи атоқли от кабилар макон дейкисини ҳосил қилади.

10. Дейктик бирликларнинг узоқ ёки яқиндаги маконга ишора қилишини аниқлашда сўзловчининг ўрни инобатга олиниши лозим. Сўзловчи турган ва сўзловчи ўзини тасаввур қилган маконни фарқлаш асосида макон дейкисининг *реал* ва *ирреал макон дейкиси* каби ички турларини фарқлаш мумкин.

11. Предмет ёки ҳаракат-ҳолатнинг белгисига муайян тил бирликлари орқали ишора қилиниши *белги дейкисини* юзага келтиради. Ўзбек тилида белгига нисбатан қўлланувчи кўрсатиш, белгилаш, гумон ва бўлишсизлик олмошлари; предмет белгисига ишора қилувчи сифатдош ва айрим нисбий сифатлар; шахс белгисига ишора қилувчи лақаб, тахаллусни ифодаловчи от ва бошқалар белгига ишора қилувчи тил бирликларидир.

12. Ўзбек тилида миқдорга нисбатан қўлланувчи белгилаш, гумон, бўлишсизлик олмошлари; миқдор-даража равишлари; шахсларнинг сонига ишора қилувчи феълнинг шахс-сон кўрсаткичлари ҳамда эгалик кўшимчалари; шахс билан бирга унинг миқдorigа ҳам ишора қилувчи кишилиқ олмошлари ва бошқалар миқдор дейкисини юзага келтиради.

13. Ижтимоий ҳолат дейкиси нутқ эгаларининг ижтимоий мақомига ишора қилиш билан бирга, унинг воқеликка нисбатан субъектив баҳосини ҳам акс эттиради. Ўзбек тилида ижтимоий ҳолат дейкиси нутқ эгасининг ижтимоий мавқеига ишора қилувчи *фармойиш бермоқ, буйруқ бермоқ* каби феъллар; ижтимоийлик хусусиятига эга бирликлар: диалектал сўзлар, жаргон ва арголар, қариндошлиқ атамалари, касб-кор билан боғлиқ сўзлар; нутқда ижтимоий хосланган бирликлар: кишилиқ олмошлари, *ким* сўроқ олмоши, ва бошқа тил бирликлари орқали ҳосил қилинади.

14. Нутқда тил эгаларининг эмоционал ҳолатига ишора қилувчи дейктик бирликлар турли-туман. Ўзбек тилида уларга нутқ эгаларининг ҳиссий ҳолатига ишора қилувчи фонопрагматик воситалар, ҳис-туйғуни ифодаловчи ундовлар, ҳаракат субъектининг ҳиссий ҳолатини акс эттирувчи феъллар, ҳис-ҳаяжон ва риторик сўроқ гаплар, эркалаш, кичрайтириш, ҳурмат кўрсатиш каби сўзловчининг субъектив муносабатини ифодаловчи бирлик ва бошқалар киради. Ҳатто электрон шаклдаги махсус белги–стикерлар ҳам нутқ эгаларининг эмоционал ҳолатига ишора қилишда қўлланилади.

15. Объектив борлиқдаги маълум бир воқелик, вазият, ахборотга тил бирликлари орқали ишора қилинишини акс эттирувчи дейкис *пропозитив дейкис* ҳисобланади. Пропозитив дейктик бирликлар гапнинг мазмуний тузилишини мураккаблаштиради, уларнинг ишораси орқали гапдан яна бир ахборот англашилади.

16. Дискурс дейкисиде дейктик бирликларнинг ишораси матннинг қайси қисмларига нисбатан эканлигини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Дискурс дейктикларининг ишора объектини матннинг ҳажман катта бутунликлари (боб, қисм, параграф), матн абзацлари, абзац ичидаги жумлалар ташкил қилади.



17. Дейксиснинг бирламчи ифодаланиш усули сўзловчи ва тингловчининг реал мавжудлиги, сўзловчи нутқи кечаётган вақт билан тингловчи қабул қилаётган вақтнинг бирлиги, нутқ иштирокчиларининг умумий маконда ўринлашганлиги, кўриш майдонининг умумийлиги каби нутқий шароитларни талаб этади. Мазкур нутқий шароитлар тўлиқ юзага келмаганда дейксис иккиламчи усулда ифодаланади.

18. Нутқда бевосита дейктик бирликлар орқали объектга ишора қилинганда дейксиснинг эксплицит ифодаланиши, дейктик бирлик шаклан ифодаланмаса-да, нутқ (матн)да муайян объектга ишора қилинишида дейксиснинг имплицит ифодаланиши кузатилади.

19. Ўзбек тилида имо-ишора ва хатти-ҳаракатни билдирувчи паралингвистик бирликлар дейктик белгисига кўра қуйидаги турларга бўлинади: 1) фақат ишорага хосланган паралингвистик бирликлар; 2) объектга ишора қилиш, уни тавсифлаш ҳамда субъектив муносабатни ифодаловчи паралингвистик бирликлар.

20. Дейктик бирликларни «бирлаштирувчи семага эга тил бирликлари» сифатида талқин этиш уларни умумий функционал-семантик майдонга бирлаштириш имконини беради. Дейктик бирликларга хос «ишора» семаси уларни бир умумий майдонга бирлаштиради, ҳар бир бирликда кузатилувчи фарқловчи сема («шахсга ишора», «замонга ишора», «маконга ишора» кабилар) уларни бир-бирдан фарқлашга хизмат қилади.

21. Дейктик бирликлар қуйидаги хусусиятлари асосида функционал-семантик майдонга бирлашади: 1) «ишора» дейктик семасига эгаллиги; 2) бир хил функционал хусусиятга эгаллиги, яъни муайян объектга ишора қилиш вазифасини бажариши; 3) турли сатҳларга тегишлилиги.

22. Дейксис функционал-семантик майдони кўп марказли майдон бўлиб, ҳар бири алоҳида марказ ва чегара қисмлардан ташкил топган микромайдонларга бўлинади.

23. Дейксис функционал-семантик майдони умумий яхлит тизим сифатида шахс, предмет, замон, макон, белги, миқдор, ижтимоий ҳолат, эмоционал, пропозитив ва дискурс микромайдонларга бўлинади. Дейксис микромайдонлари ДФСМ яхлитлигини таъминлайди.

24. Дейксис турларини ҳосил қилувчи бирликлар моҳиятига кўра асл ва вазифадор дейктик бирликларга ажратилади. Асл дейктик бирликлар «ишора» дейктик семасига эга бўлган ва доимий ишора қилиш вазифасини бажарувчи тил бирликларидир. Уларнинг бу вазифаси ҳар қандай нутқий шароитда ҳам сақланиб қолади. Вазифадор дейктик бирликлар муайян нутқ вазиятида зиммасига дейктик вазифа бажариш юклатилган бирликлар бўлиб, уларнинг бу вазифаси нутқ вазиятидан ташқарида йўқолади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИСУЖДАЕМЫЙ УЧЕНУЮ СТЕПЕНЬ  
ИНСТИТУТА УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА, ЛИТЕРАТУРЫ И ФОЛЬКЛОР  
ПОД НОМЕРОМ DSc.02/30.12.2019.Fil.46.03  
НАВОИЙСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ  
ИНСТИТУТ**

**ДАВЛАТОВА РАЪНО ХАЙДАРОВНА**

**ДЕЙКТИЧЕСКИЕ ЕДИНИЦЫ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА**

10.00.01 – узбекский язык

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОЛОГИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

**Ташкент – 2020**

Тема докторской диссертации зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан под № В2014.5.Fil176.

Докторская диссертация выполнена в Навоийском государственном педагогическом институте.

Автореферат диссертации загружен на трех языках (узбекском, русском, английском) на веб странице Научного совета [www.tai.uz](http://www.tai.uz) а также доступен на сайте Информационно-образовательного портала "Ziyonet" [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

**Научный руководитель**

**Лутфуллаева Дурдона Эсоновна**  
доктор филологических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Хакимов Мухаммад Хужахонович**  
доктор филологических наук, профессор

**Хакимова Мухайё Каримовна**  
доктор филологических наук

**Жураева Бибиш Мухсиновна**  
доктор филологических наук

**Ведущая организация**

Андижанский государственный Университет

Защита диссертации состоится на заседании Ученого совета Института узбекского языка, литературы и фольклора DSc.02/30.12.2019.Fil.46.03. 2020 в «\_\_\_» \_\_\_\_\_ часов. (100060, г.Ташкент, ул. Шахрисабз, 5. Тел.: (871) 233-71-44; факс: (871) 233-71-44; E-mail:uztafi@academy.uz.)

С диссертацией можно ознакомиться в центральной библиотеке академия наук Республики Узбекистан (зарегистрирован под \_\_\_\_\_). (Адрес: город Ташкент, ул. Зиёлилар, 13. Тел.: (99871) 262-74-58)

Автореферат диссертации распространен в 2020 году «\_\_\_» \_\_\_\_\_.  
(Протокол реестра № \_\_\_\_\_ от \_\_\_\_\_, 2020 г.)

**Н.М.Махмудов**  
Председатель научного совета,  
присуждающий ученую степень,  
д.филол.н, профессор

**Г.М.Исмоилов**  
Ученый секретарь научного совета  
по присуждению ученых степеней, д.филол.н. (PhD)

**Д.С.Худойбергана**  
Председатель научного семинара,  
присуждающий ученую степень,  
д.филол.н, профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (DSc) диссертации )

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** Начиная с последней четверти прошлого века, в мировой лингвистике серьезное внимание уделяется изучению в речи особенностей языковых единиц, возникающих в связи с человеческим фактором. Это исследовательское направление имеет огромное место особенно, в прагматическом, когнитивном, лингвокультурологическом, социолингвистическом аспектах исследования речи. При таком подходе к языковым исследованиям в частности, было отведено достаточно внимания.

В работах, проводимых в этих направлениях, поднимался вопрос отражения на языке рефлексии особенностей личности как личности, национально-культурных ценностей, социальных, политических событий; языковые единицы были изучены применительно к контексту, речевой ситуации, изучены знания говорящего и слушателя о внешнем мире, языковой резерв владельцев языка, механизм речевого образования, языковое сознание. В результате были сделаны интересные научные выводы по вопросу о языковом выражении в речи особенностей личности.

Мировая лингвистика сегодня добилась больших успехов в области общих знаний о внешнем мире, языковых навыков, речевых навыков прагмалингвистов, изучающих язык в зависимости от таких факторов, как речевая ситуация и контекст, язык. Однако в этом направлении еще есть вопросы, которые необходимо решить.

В частности, одной из наиболее актуальных проблем является определение знаковой (дейктической) природы единиц узбекского языка, анализ их речево-прагматических функций, изучение таких вопросов, как деконструкция речевых единиц и, при необходимости, создание избыточности. Изучение дейктических единиц в прагматическом аспекте важно при решении таких проблем, как их семантико-функциональные особенности, их роль в формировании текста, методологические возможности. В связи с этим изучение дейксиса и его сущности, семантической классификации, дейксисообразующих средств, способов его выражения, функции дейктических единиц в речи на примере материалов узбекского языка является очень важным и актуальным вопросом для узбекской прагмалингвистики.

Ведь перед лицом узбекского языкознания стоит задача изучения узбекского языка современными научными методами так как «сегодняшний новый этап развития Узбекистана - это повышение роли и престижа нашего родного языка в обществе на основе требований национального подъема», «глубокое изучение исторических корней нашего родного языка, его всестороннее развитие и применение»<sup>1</sup>, «роль и престиж узбекского языка на международной арене, определение перспектив его отношений с другими языками»<sup>2</sup>.

Данное исследование в определенной степени послужит реализации и выполнению задач отмеченных в Законе «О Государственном языке»

Республики Узбекистан (от 21 декабря 1995 года), Указа Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, Указа Президента Республики Узбекистан УП-5850 «О мерах по коренному повышению престижа и статуса узбекского языка как государственного» от 21 октября 2019 года, Указа Президента Республики Узбекистан УП-6084 от 20 октября 2020 года «О мерах по дальнейшему развитию узбекского языка и совершенствованию языковой политики в нашей стране», Указа Кабинета Министров Республики Узбекистан № 984 от 12 декабря 2019 года «Об утверждении Положения о департаменте развития государственного языка», а также других нормативно-правовых документов связанных с этой деятельностью.

**Соответствие исследований приоритетам развития науки и технологий республики.** Тема исследования соответствует приоритетному направлению развития науки и технологий республики «Формирование системы инновационных идей и способов их реализации в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовном и образовательном развитии информированного общества и демократического государства».

#### **Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации.<sup>32</sup>**

В лингвистике исследования феномена дейксиса, его видов, прагматических особенностей проводились в ведущих исследовательских центрах и высших учебных заведениях мира, в том числе Universität Leipzig (Германия), University of California ([Калифорния](#) штаты, [США](#)), Harvard University ([Кембридж](#), США), University of Minnesota ([штат Миннесота](#), США) Московская школа семантики (Россия), Всероссийский институт научно-технической информации РАН (Россия), Ludwig Maximilian University (Германия); University of New South Wales ([Австралия](#)); Cambridge University (Великобритания); University of Sydney (Австралия); Воронежский педагогический университет (Россия); Московский государственный университет им. М.В. Ломоносова (Россия); Удмуртский государственный университет (Республика Удмуртия); Башкирский государственный университет (Россия); Бурятский государственный университет (Россия); Самарский государственный университет (Россия).

**В последние годы научные исследования феномена дейксиса привели к следующим результатам:**

роль дейксиса в языковой системе, его проявление в речи, новые виды (Universität Leipzig (Германия); функции дейктических единиц и их отличия от других нелинейных означающих, определены их общие аспекты, поставлена задача изучения дейктических единиц на основе теории поля, дейксис пространства разделен на типы автодексиса и гетеродексиса

---

<sup>32</sup> [www.dissercat.com/](http://www.dissercat.com/); [www.philol.msu.ru/](http://www.philol.msu.ru/); <https://myfilology.ru/semantika/moskovskaya-semanticheskaya-shkola/>; <http://www.ucla.edu/>; <http://www.harvard.edu/>; <http://www.viniti.ru/>; <https://www.uni-muenchen.de/>; <http://www.unsw.edu.au/>; <http://msu.ru/>; <http://www.usyd.edu.au/>; <http://www.vspu.ac.ru/>; <http://www.umn.edu/>; <http://www.berkeley.edu/>; <https://www.academia.edu/>; <https://udsu.ru/>; <http://pi.sfedu.ru/>; <http://www.bashedu.ru/>; <http://www.bsu.ru/>; <http://www.samsu.ru/>.

